

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
Журналистика факультети
“Услубият, таҳрир ва интернет журналистика” кафедраси

Гадоева Фарида Аҳад қизи
“Матбуотда сўзларнинг кўчма маъноларидан фойдаланиш (“Китоб
дунёси”, “Хуррият” ва “Дийдор азиз” газеталари мисолида)

5320100 – Журналистика

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар: ф.ф.н. доц Тоҳиров З.Т.

Тошкент – 2014

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3–7
1-БОБ. ГАЗЕТА МАТНИЙ МУЛОҚОТ ТУРИ	
1.1. Газета тили ва услуби	8–21
1.2. Кўчма маънодаги сўзлар хусусиятлари ва аҳамияти	22–30
 2-БОБ. КЎЧМА МАЪНОЛИ СЎЗЛАР ТАСВИРИЙ ТАЪСИРЧАН ВОСИТА СИФАТИДА	
2.1. “Китоб дунёси” газетасида сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши.....	31–35
2.2.“Хуррият” газетасида қўлланган кўчма маъноли сўзларнинг таъсирчанликни оширишдаги аҳамияти.....	36–40
2.3. “Дийдор азиз” газетасида сўзларнинг кўчма маъноларидан фойдаланишнинг ўзига хослиги.....	41–46
 ХУЛОСА.....	47–51
 Фойдаланилган адабиётлар.....	52–53

КИРИШ

Жамият ҳаётини, табиийки, оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотсиз тасаввур қилиш қийин. Боиси, замон тараққиёти тобора тезлашиб, хабарлар оқими кенгайиб бораётган бугунги даврда халқнинг замон билан ҳамнафаслигини таъминлашда матбуотнинг ҳам ўрни бекиёс. Қолаверса, матбуот инсоннинг маънавий онгини ўстиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Президентимиз Ислом Каримов “Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор”¹, деган фикрларни бежизга билдириб ўтмаган. Бугунги кунда матбуот ОАВ орасида каттагина аудиторияга эгаллиги, таъсир кучи юқорилиги, шунинг билан бирга, ҳар бир соҳада ўз ўрнини топиб бораётгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, газета ва журналларда бериб борилаётган мақолалар ўзига хос тарбиявий дарслик вазифасини ҳам бажаради. Яъни, ҳар бир ўқувчи ўзи ўқиган материалдан, албатта, сабоқ олади. Шундай экан, матбуот нашрларида бериб борилаётган мақолалардаги ҳар бир жумлага, керак бўлса, ҳар бир сўзга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки “Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас. Шу сабабли ҳам оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш биз учун энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда”². Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йилнинг 27 январида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир” номли маърузасида оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва

¹Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. — Т.: Ўзбекистон, 1999. — 390–391–б.

²Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. — 129-б.

хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозимлиги, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишни аълоҳида таъкидлагандилар. Бугунги глобаллашув жараёнида журналистика соҳаси шиддат билан ривожланиб бормоқда. Янгилик оқими дунё бўйлаб тез тарқалмоқда. Бунинг оқибатида журналистика соҳасида рақобатбардошлик юзага келяпти, яъни “ким биринчи янгиликни етказиш” деган шиор ҳар бир журналистнинг онгига сингдирилмоқда. Натижада журналистиканинг янги қирралари кашф этилмоқда ва фан сифатида ўрганилиб келинмоқда. Булар ҳаммаси эмас, ҳамма соҳалар ҳам “тўртинчи ҳокимият” даражасига эриша олганлари йўқ. Айни журналистика соҳаси давлатда ўз ҳокимиятига эга чиқди. Тўртинчи ҳокимият атамаси ҳуқуқий демократик жамият қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, журналистларга нақадар маъсулиятли вазифалар юкланганлигини, таъкидлаш учун қўлланилади. Шу ўринда Президентимизнинг яна бир гаплари юқоридаги фикримизни асослайди: Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва маъсулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидоий, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақазо этади.

Матбуот кенг аудитория диққат-эътиборида бўлади. Шунинг учун ҳам матбуот нашрларида бериладиган материалларда ҳар бир жумла тўғри тузилган бўлиши, хусусан, кўчма маъноли сўзлардан ўз ўрнида фойдаланиш зарур. Биз эса илмий тадқиқот ишимизни газеталарда сўзларнинг кўчма маънода қўлланилишига бағишладик.

Мавзунинг долзарблиги. Илғор фан-технология ютуқлари оммалашиб борган сари, жамият янгиланиб, турли соҳалар қатори оммавий ахборот воситаларининг фаолият мазмуни, таркиби, йўналиши ҳам ўзгариб бормоқда. Бу замонавий ОАВ таснифининг ҳар томонлама янгиланиб боришини таъминлаётир. Босма оммавий ахборот воситаларида берилаётган материаллар мазмуни ҳам янги давр руҳи, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар билан бойиб, мазмун жиҳатдан сайқалланиб бормоқда.

Матбуот ёзма мулоқот тури ҳисобланади. У ўзида чоп этилган мақолалар, материаллар ёрдамида ўқувчи, газетхон билан тиллашади. Шу боис ҳар бир сўзни, айниқса кўчма маъноли сўзларни тўғри қўллай олишмуҳим аҳамият касб этади. Ўзбек адабий тили ғоятда бой. Бир сўзнинг бир нечта, ҳатто ўнлаб маъноларда қўллана олиши матбуот тилида ғализлик, такрорийлик каби камчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Лекин сўзлар ноўрин қўлланса, жумла ғализлиги юзага келади, бу эса жиддий хато ҳисобланади. Демак, матбуотда кўчма маъноли сўзларнинг қўлланишини тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Ишнинг илмий янгилиги. Матбуот материалларида сўзларнинг кўчма маъносидан фойдаланишни тадқиқ этишга бағишланган ишлар кам учрайди. Айрим илмий мақолалар мавжуд бўлиб, малакавий битирув иши сифатида бу мавзу илк бора тадқиқ этилмоқда.

Сўзларнинг кўчма маъноларидан фойдаланиш бадиий публицистикада кенг тарқалган бўлиб, бу хусусда турли мақолалар, илмий адабиётлар З. Тоҳировнинг “Адабий таҳрир”, К. Неъматов, Р. Расуловнинг “Ўзбек тили систем лекцикологияси асослари”, А. Абдусаидовнинг “Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати”, З. Тоҳировнинг “Бадиий ижодда тасвир”, И.

Тошалиев, Р. Абдусатторовнинг “Оммавий ахборотнинг тили ва услуги” китобидаги назарий фикрлар, сўз кўчишининг турлари ва таснифи ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунга қарамай, ҳозирда матбуот доирасида сўзларнинг кўчма маъноларидан фойдаланишни амалий кўрсатувчи манбалар етарли эмас. Республика илмий журналлари, интернет сайтлари материалларининг айримларида ҳам мазкур мавзу ҳақида айрим илмий-назарий таҳлилий мақолалар учрайди.

Ишнинг мақсад ва вазифаси. “Китоб дунёси”, “Хуррият” ва “Дийдор азиз” газеталари матнларида сўзларнинг кўчма маънода қўлланилишининг аҳамиятлилигини ўрганиш илмий тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун ҳар уччала газетанинг 2013–2014 йил сонларида эълон қилинган материалларда кўчма маъноли сўзлардан ўринли ёки ўринсиз фойдаланилганлигини таҳлил этиш асосий вазифа қилиб белгиланди:

- Газеталарда сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиш ҳолатини ўрганиш. Яъни ҳозирда сўзларнинг кўчма маънода қўлланилишига қай даражада эҳтиёж бор-йўқлигини кўриб чиқиш.
- Газеталарда сўзларнинг кўчма маъноларидан тўғри фойдалана олинayптими ёки йўқ саволига ойдинлик киритиш.
- Аслида қайси сўздан қандай фойдаланиш кераклиги, умуман, сўзларнинг кўчма маънолари қай ўринларда ишлатилиши лозимлиги борасида фикр юритиш.
- Сўзларнинг кўчма маъноларидан фойдаланишнинг маълум материал учун аҳамиятини ўрганиб чиқиш.

Ишнинг объекти ва предмети. Илмий тадқиқот объекти сифатида “Китоб дунёси”, “Хуррият” ва “Дийдор азиз” газеталари танланди. Газета матнларида қўлланган кўчма маъноли сўзларни таҳлил этиш ишнинг предмети ташкил этади.

Ишнинг назарий ва методологик асоси. Матбуот хусусидаги қонун ҳужжатлари, Ислом Каримов асарлари, мавзуга тааллуқли илмий мақола, ўқув қўлланма ва дарсликлар ишнинг назарий асоси ҳисобланади. Таҳлил,

киёслаш, хусусийдан умумийга, умумийдан хусусийга ўтиш ишнинг тадқиқий усуллари ташкил этади.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур малакавий битирув ишидан мавзу бўйича бакалаврларга махсус курс ўтиш, курс иши бериш, маъруза ўқиш ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари матбуотда фаолият юритувчи журналистлар учун ҳам фойдадан холи эмас.

Ишнинг таркибий тузилиши. Малакавий битирув иши кириш, 2 боб хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Киришда ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, мақсад ва вазифаси, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, объекти ва предмети, назарий ва методологик асослари, ишнинг амалий аҳамияти, шунингдек, умумий хулоса қисқача баён этилган.

Биринчи боб газета матний мулоқот тури деб аталади. Унда матбуотнинг бугунги кундаги аҳамияти, газета тили ва услуби хусусидаги назарий фикрлар баён этилади.

Иккинчи боб кўчма маъноли сўзлар тасвирий таъсирчан восита сифатида деб номланади. Мазкур бобнинг биринчи фаслида “Китоб дунёси” газетаси, иккинчи фаслида “Хуррият” газетаси, учинчи фаслида эса “Дийдор азиз” газетаси материалларида қўлланилган кўчма маъноли сўзлар газеталарнинг 2013 - 2014 йиллардаги сонлари мисолида таҳлил этилади. Ишнинг хулоса қисмида тадқиқот натижасида чиқарилган хулосавий фикрлар ҳамда таклифлар келтирилган.

I БОБ. ГАЗЕТАМАТНИЙ МУЛОҚОТ ТУРИ

1.1 ГАЗЕТА ТИЛИ ВА УСЛУБИ

“Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланад”³,—дейди Юртбошимиз. Бу матбуот, газета тарихида ҳам ўз исботини топган фикр. Негаки, газета то матний мулоқот тури бўлгунга қадар анча силсилаларни бошдан кечирган. Ахир, Юртбошимиз “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”⁴,—дея таъкидлаганлар.

Инсоният тарихида матбуотнинг пайдо бўлганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Матбуотнинг дастлабки куртаклари гарчи эрамиздан олдинги даврларда пайдо бўлган бўлса-да, булар айрим мисолларгина бўлиб, уларни тўла маънодаги матбуот дейиш қийин. Негаки, уларда матбуотнинг тўлиқ принциплари мужассамлашмаганди. Айнан шунинг учун ҳам ҳали матбуот бўлмаган, оммавий ахборот воситалари шаклланмаган даврларда унинг функцияларини бошқа ижтимоий усуллар: жарчилик, хабарчилик, нотиқлик, публицистиканинг вазифасини эса ёзма адабиёт бажариб келган эди.

Аммо замон тараққиёти, инсоният тарихининг янги босқичлари, айниқса, кишилиқ жамиятида маданий ҳаёт — цивилизациянинг вужудга келиши унинг олдида жуда кўп ижтимоий талаблар қаторида матбуот масаласини ҳам кўндаланг қилиб қўйди. Негаки, давлатчилик пайдо бўлиш жараёни такомиллашиб боргани сари аҳолини давлат билан ҳамоҳанглигини таъминлашга эҳтиёж сезилди. Турли қарорлар, янги фармойишлардан халқни бохабар этишнинг самарали усуллари излана бошланди. Янги фармойишлар эса эълоннинг дастлабки кўриниши шаклида маълум қилина бошланди. Умуман олганда, ижтимоий информацияга бўлган эҳтиёж ва бошқа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, тарихий сабаблар туртки бўлиб, дастлабки матбуотнинг кўринишлари пайдо бўла бошлади.

³Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. —Т.: Ўзбекистон, 1999.— 136-б.

⁴Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.—29-30-б.

“Тил моддий ва маънавий воқеликнинг, мавжудликнинг ифодаси, инсон тафаккури ва руҳиятининг зухур бўлиш ва моддийлашиши воситасидир”⁵. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришишида, албатта, матбуотнинг ўрни бекиёс. Негаки, у оммага тез таъсир кўрсатиш, маълум ахборотни бир вақтнинг ўзида катта бир аудиторияга етказиб бера олиши билан самарали эди. Озодликни тарғиб қилган мақолалар чоп этилди, маърифатпарварларимиз матбуот орқали халқ билан алоқа ўрнатдилар. Бу эса матбуотнинг матний мулоқот тури сифатидаги аҳамиятини оширади. Ўз матбуотига эга бўлгач, миллий мафкура, мустақиллик ғоялари ҳам тобора шаклланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Энг аввало, ҳукуматимизнинг, Президентимизнинг матбуот ва ОАВга қаратаётган эътиборлари сабаб, бугун таҳририят ва муассислар ўртасидаги шартнома шартлари, муассисга қўйилган талабларининг ижроси назоратга олинмоқда ва таъминланмоқда. Барқарор фаолият кўрсатаётган таҳририят ижодий жамоалари бугуннинг талабидан келиб чиқиб фаолият юритмоқдалар. Технологик ривожланиш жадал давом этаётган юртимизда босма хоналар сони ва хизмат кўрсатиш сифати ортиб, бугунги кун матбуотининг янада яхшиланишига кўмаклашмоқда.

Маълумки, матбуот тили матний мулоқотга дахлдор, ёзма-китобий услублар сирасига киради. Бу унинг адабийлик, маромлилик, умумийлик ва андозалашганлик сифатлари орқали тавсифланади. Оммавий мулоқот услубини бир-бирига зид бўлган икки хил услубий йўналишга ажратиш мумкин:

Биринчиси, мулоқотни тез ва осон фаҳмлаш учун қулай нутқ андозалари ва усуллари ишлаб чиқиш ҳамда амалда уларга тез-тез муурожаат қилиш. Бу орқали эса матннинг янада сермазмун ва таъсирчан бўлишига эришиш мумкин. Матндаги таъсирчанлик эса бевосита газета савиясига ҳам таъсир этмасдан қолмайди.

⁵Тошалиев И, Абдусаттаров Р, Махмудова С. Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуби. –Т.: Университет, 2000.—4- б.

Иккинчиси, нутқий қолип ва андозалардан халос бўлиш ҳамда амалда янги таъсирчан ифода воситаларини, усулларини излаш ва қўллаш тамойилидир.

Нутқий қолип ва андазадан қочиш журналистларни янги ифода воситаларини, усулларини излашга ундайди. Бу интилиш оммавий мулоқот тилида хилма-хил нутқий маънодошликни, ифодалар мувофиқлигини юзага келтиради. Матбуот тилида шахсий ижодий қўлланишлар, ғайриоддий ясалмалар, бирикмаларнинг тез-тез учраши оммавий мулоқотда лисоний-нутқий, одатийлик-ноодатийлик, умумийлик ва шахсийликни уйғунлашувидан далолатдир. Бироқ журналист ёки муаллифнинг шахсий ижодий қўлланмаси, сўз ва услуб маҳорати оммабоп, ҳаммабоп бўлиши билангина аҳамиятлидир. Матнда ортиқча, ноўрин сўзлар ва адабий унсурлардан нотўғри фойдаланиш услубий хато саналади. Зеро, оммавий мулоқот услуби фақат тўғрилик ва меъёрийлик, аниқликни талаб қилади.

Газеталарнинг тили ва услубини белгиловчи омиллар талайгина. Аввало, муҳаррир ва ижодий жамоанинг меҳнати ва маҳорати сўзлардан фойдаланиш, мавзуларни ёритиш санъати газета тили ва услубига биринчи баҳони беришда муҳим ўрин тутса, иккинчидан, газетанинг ихтисослашуви – адабий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, тармоқ ва ҳоказо жиҳатлари ҳам газета тили ва услубида аҳамият касб этади.

Ҳар бир газета зиммасида ўзига хос масъулият, вазифа юкланган. Ушбу вазифалар газетанинг қандай соҳага ихтисослашганига қараб белгиланади. Аммо умумий моҳият битта: халқнинг маънавий онгини ошириш, дунёқарашини юксалтириш, умуман, ўқувчига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатиш. Керак бўлса, халқ учун таълим-тарбия манбаи бўлиш. Шунинг учун ҳам матбуот нашрларида чоп этилаётган ҳар бир мақола ўзида маънавий озуқа бера оладиган масалаларни ёритиши, халқ манфаатларини ифодалаши шарт. Матбуотимиз халқимизга кенг жабҳада ахборот етказиб бериш билан бирликда, уни миллий мустақиллик руҳида тарбиялашга, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида

кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ва шу йили қабул қилинган “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунлари матбуотимиз фаолиятида муҳим рол ўйнамоқда. Ўзбекистон матбуоти жаҳоннинг эркин, демократик матбуоти таснифида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Матбуот — барча босма маҳсулотлар мажмуи; тор маънода даврий нашрлар, асосан, газета ва журналларни ифодалайди. Матбуот ижтимоий онгнинг ўткир ва таъсирчан воситаси сифатида кишилик жамиятига доимий ва фаол таъсир кўрсатади, жамоатчилик фикрини шакллантиради, омма онига муайян қарашларни сингдиришда қудратли ғоявий омил ҳисобланади. Матбуот жамият ҳаётини турли (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, илмий-техникавий ва бошқалар) йўналишларда ёритади. Радио-телевидение асосан оғзаки шаклга, газета, журнал услуби эса ёзма шаклга хосдир. Бироқ, бу ерда энг аҳамиятли жиҳат оғзаки ва ёзма шаклда ҳам юқорида келтирилган жиҳатлар “Журналистикани ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қудратли қурол даражасига кўтарди”⁶.

Журналистика жамият ҳаётининг барча соҳаларида бирдек иштирок этади. Шу боис, унинг ижтимоий институт сифатидаги ролини ҳам жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ва ғоявий, ижтимоий жараёнлардан айрича тасаввур этиб бўлмайди.

Агар бошқа айрим йўналишларда журналистиканинг ахборот бериш вазифаси биринчи ўринга қўйилмаса, ижтимоий соҳада ахборот воситаси сифатидаги роли асосий ўрин тутаяди. Бундан кўринадики, матбуотнинг ахборот-коммуникация роли жамият аъзолари томонидан ўз ўрни ва вазифаларини англанишига, ижтимоий тизимнинг барча унсурлари келишуви ва барқарорлиги ҳамда ўзаро муносабатларига ёрдам беради. Публицистика ижтимоий фаолиятга фаол, оператив таъсир кўрсатувчи ижод туридир.

⁶Дўстқораев Б. А. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. —Т.: Ғафур Ғулом номидаги матбаа– ижодий уйи, 2009.—7-б.

Гоявий нуқтаи назардан журналистика маънавий қарашларни етказиб берувчи, тарғиб этувчи ҳисобланади. У жамият аъзоларининг онгида маълум бир қадрият, урф-одат, анъана, муносабат, ахлоқий ва бадиий-эстетик қарашлар шаклланишига хизмат қилади.

“Матбуот материалларининг ўзагини публицистика ташкил этади. Публицистика латинча “publicus” – ижтимоий сўзидан олинган бўлиб, адабий-сиёсий ижод демакдир. У жамият ҳаётининг ҳолатини, ютуқ ва камчиликларини, муаммоларини ёритиш билан бир қаторда, адабиёт ва санъатга ҳам кенг ўрин беради. Шу жиҳатдан публицистикаҳаётни тасвирлашда ўқувчининг фақат онгигагина эмас, ҳис-туйғуларини ҳам уйғотишда бадиий адабиёт воситаларидан образ ва образлилик, сюжет, композиция, тил, услуб ва бошқалардан кенг фойдаланади. Шу жиҳатдан айрим публицистик асарлар бадиий адабиёт асарларига яқин туради”⁷.

Матбуот назариясида публицистика жанрлари ҳамиша асосий мавзу бўлиб келган. Асосий уч тур: информацион, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлар шу асосни ташкил этади.

Демак, информация, яъни хабар информацион журналистиканинг бош жанри ҳисобланади. Матбуотнинг бош фунцияси сифатида хабардор қилиш, яъни тасвирни эътироф этадиган бўлсак, кўриниб турибдики, публицистиканинг бош жанри ҳам шунга мутаносиб, хабар жанридир. Информация жамият ҳаётининг барча соҳа ва жабҳаларини қамраб олади. Информацияда акс этмайдиган бирорта ҳам соҳа йўқ. Информацион жанрларнинг асосида биринчи ўринда факт, яъни бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса туради. Лекин ҳар қандай ҳодиса информация асосини ташкил қилавермайди. Ижтимоий аҳамиятли, жамият учун, шу кун учун долзарб мазмунга эга воқеа-ҳодисаларгина информация жанри асосини ташкил этади. Публицистика фан, санъатдан кейинги ижод тури бўлиб, ўз функцияси ва предметига эгадир. “Публицистиканинг вазифасилари сифатида ижтимоий фикр уйғотиш, уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш ҳамда

⁷Қозоқбоев Т. Журналистика асослари. – Т.:Мусика, 2007.—110–б.

хужжатли факт, маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборатдир. Хуллас, публицистика ҳозирги замон ижтимоий воқелик фактларини мантиқий ва образли воситалар орқали умумлаштирибифодаловчи, амалий ва эстетик таъсир этиш асосида жамоатчилик фикрини шакллантирувчи қуролдир»⁸.

Ўзбек тилшунослигининг нисбатан янги соҳаси саналадиган услубшунослик тил бирликларининг алоқа воситаси сифатида муомала жараёнида турли соҳа ва вазиятда қўлланиши, нутқни ташкил қилиш қонуниятлари, тил тизимидаги барча воситаларнинг нутқ жараёнидаги имкониятлари ва маъно нозикликларини аниқлаш билан шуғулланади. Услубият— тилда мавжуд бўлган барча воситалар – лексик, грамматик, фонетик воситалардан нутқда қандай фойдаланиш зарурлигини, маълум бир шакл, сўз ва конструкциялардан қайси бирини қўллаш мувофиқ эканини, яхши ва энг мувофиқ воситасини тавсия этади, нутқнинг турли услубий қатламларида қўлланадиган воситаларни белгилаб беради. Шунга кўра, услубият сўз санъати, ифода воситалар ҳақидаги алоҳида бир фандир.

Мавзу нуқтаи назаридан бу ўринда бизни вазифавий услубшунослик қизиқтиради. Кишилар ўз ижтимоий фаолиятларида тилдаги барча воситалардан – фонетик, грамматик, лексик, фразеологик бирликлардан фойдаланганларида, аввало уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, нутқ мавзусига, вазиятга қараб танлайдилар ва қўллайдилар. Тилимиздаги воситаларнинг бир нечалаб кўринишларга эга бўлиши, синонимик ранг-баранглик шундай йўл тутишга имкон беради. Мана шу танлаш нутқ жараёнида тил бирликларининг ўзига хос услубий чегараланишини тақозо қилади. Тил бирликларини ижтимоий муҳитда танлаб ишлатиш зарурати ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш услубшуносликда янги соҳани – вазифавий услубшуносликни вужудга келтирди.

Ўзбек тили услубларини вазифавий жиҳатдан тасниф қилиш икки омилга – тил ва тилдан ташқарида бўлган омилларга таянади. Бу

⁸Худойкулов М. Бадиий публицистика жанрлари. – Т.: Университет, 2010. —26–б.

услугларнинг А. Шомаксудов, Б.Абдурахмонов, Б. Ўринбоев, С. Муҳамедовлар томонидан тавсия этилган вариантлари мавжуд бўлиб, уларда асосан бешта услуб – сўзлашув, оммабоп, илмий, расмий ва бадиий услублар эътироф этилади. Ҳозирда эса бу услублар қаторида диний–маърифий услуб ҳам саналмоқда. Улар ҳақида билимга эга бўлиш ўқувчиларга она тилимизнинг нутқ жараёнидаги имкониятларини ўрганишга кўмаклашади.

Ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда қўлланадиган услуб, яъни матбуот услуби оммабоп услуб ҳисобланади. Соддалик, тушунарли бўлиш, таъсирчанлик, адабий тил меъёрларига риоя қилиш бу услубнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Оммабоп услубнинг радио, телевидениеда ишлатиладиган кўриниши оғзаки оммабоп услуб дейилса, газета журналларда ишлатиладиган кўриниши ёзма оммабоп услуб ҳисобланади. Бу услубда ижтимоий-сиёсий сўзлар кўп қўлланади. Нутқ таъсирчан бўлиши учун таъсирчан сўз ва бирикмалардан, мақол ва ҳикматли сўзлардан ҳам фойдаланилади. Бундай услубда гап бўлаклари одатдаги тартибда бўлади, кесимлар буйруқ ва хабар майлидаги феъллар билан ифодаланади, дарак, ҳис-ҳаяжон ва риторик сўроқ гаплардан, ёйиқ ундалмалардан, такрорий сўз ва бирикмалардан унумли фойдаланилади. Матбуот тили, одатда, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, адабий-танқидий мавзулардаги оммавий нашрларда, ижтимоий-сиёсий журналларда, барча газеталарда намоён бўлади. Бошқача айтганда, ана шуларнинг нутқи матбуот нутқи сифатида тан олинади. Газета нутқи матбуот нутқининг ҳозирги кундаги энг асосий кўринишидир. Чунки газета нутқида оммага мурожаат қилиш, ундаш, қизиқтириш, рағбатлантириш, умуман олганда, таъсир этиш етакчи ўринда туради. Бундан ташқари, газета ижтимоий ҳаётнинг турли-туман соҳаларини тўла қамраб олади. Иккинчидан эса, унинг саҳифаларида хабардан тортиб бадиий асарлардан парчаларгача бериладик, бу омманинг барча қатламларигатаъсир этишни, барчасига тегишлиликни, тушунарлиликни таъминлайди. Айни шулардан келиб чиққан ҳолда матбуотда публицистик услуб етакчилик қилади. Публицистик услуб кўринишлари ижтимоий

тараққиётнинг энг қадимги даврларидаёқ пайдо бўла бошлаганлигини, бу кўринишлар қадимги нотиклар нутқлари шаклларида намоён бўлганлигини олимлар таъкидлаганлар. Кейинги тараққиёт оғзаки нутқларнинггина талабга тўла жавоб беролмаслигини кўрсатди. Оммани сиёсий ва ташкилий жиҳатдан ҳаракатлантириш қудратига эга бўлган алоҳида ёзма нутққа эҳтиёж туғилди. Публицистик услуб ўзининг ёзма ҳамда оғзаки кўринишларига эга. Ҳаётнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган публицистик бош мақолалар, фелъетон ва памфлетлар, мурожаатномалар, чақириклар, деклорациялар публицистик услубнинг ёзма туридаги асарлардир.

Матбуотда муаллифдан фаоллик, ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан фикрлаш талаб этилади. Бу талаблар публицистик услубнинг бош тамойилларидан ҳисобланади. Шунингдек, бу услубда истиора, ўхшатиш, муболаға, кесатик каби ҳис-туйғуга таъсир этувчи воситалар ҳам кенг қўлланилади. Публицистик услуб энг долзарб масалаларни маълум даражада кўтаринки руҳда таҳлил этиш, айтиш чоғда муаллифнинг ўзига хос тасвирлаб бериши билан боғлиқ бўлади. Публицистик услубнинг муҳим хусусиятларидан бири тасвирнинг мукамаллиги, кенглигидир. Чунки муаллиф ўз материалида таҳлил объектини ҳар томондан далиллар асосида изчил равишда ёритиб бериши лозим. Бу эса батафсил изохни тақозо этади. Бирор-бир материал тўлиқ изохланмаса, журналист ўз танлаган мавзусини муфассал ёритиб бера олмаса, аудитория учун тушунарсиз ҳолатлар юзага келиши мумкин. Қолаверса, материалда айнан ўша материал йўналишига мос келадиган тил ёки услубдан фойдаланиш керак. Масалан, илмий мақола бадиий услубда талқин қилинса, мақола ўз савияси, йўналишини йўқотади ва табиийки, ғализлик юзага келади. Худди шундай бадиий йўналишдаги публицистик ижод намунасини илмий тил ва услубда ёритиш ҳам маъқул эмас. Шунинг учун газета тили ва услуби борасида қатъий бир хулоса чиқариб бўлмайди. Боиси, газета кўп соҳани қамраб олади. Шунинг учун газетада бадиий, расмий, илмий ва публицистик услуб белгиларини учратиш мумкин. Аммо бу услублар орасида публицистик услуб, барибир, етакчилик

қилади. Публицистик услуб кундалик ҳаёт масалаларига ҳам, ўтмиш воқеаларига ҳам, халқаро миқёсдаги воқеа-ҳодисаларга ҳам дахлдор муаммолар ҳақида мулоҳаза юритади.

Публицистик услуб материалда кесатик, киноя, пичинг, ғазаб ва нафратни ифодаловчи иборалар кенг қўлланади. Бу жиҳатдан публицистик услубда қўлланилган тимсолли бирикмаларни икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Халқ нутқида асрлар давомида қўлланиб келаётган мақоллар, иборалар, турли хилдаги бирикма ва атамалар;
2. Сўз усталари ижод жараёнида кашф этган тимсолли бирикмалар.

Буларнинг ҳар икки тури ҳам публицистик мақолада ўртага қўйилган мақсад ифодаси учун хизмат қилади. Публицистик услубда сифатлаш, ўхшатиш, истиора, муболаға каби воситалардан кенг фойдаланилади. Шаклдош, маънодош, зид маъноли сўзлар, такрорий сўроқ гаплар фикрнинг тасдиғи ёки инкорини кучайтириш учун кенг қўлланилади.

Газетада шевага оид сўзлардан фойдаланиш мумкин эмас. Чунки бир ҳудуд вакиллари учун тушунарли бўлган шева бошқа ҳудуд аҳолиси учун тушунарсиз бўлиши мумкин. Газета эса маълум ҳудуд аҳолисига эмас, чекланмаган аудиторияга учун мўлжалланган. Қолаверса, тил меъёрлари ҳам шевадан фойдаланишни маъқулламайди. Газета, умуман, матбуотдаги публицистик асарлар омма учун мўлжалланган бўлади.

Ҳар бир газетанинг ўзига хос тили ва услуби мавжуд. Бу унинг йўналиши ва мақсадларидан келиб чиқади. Хусусан, расмий услуб ҳозирги қонун матнлари, фармонлар, фармойишлар, буйруқлар, хуллас барча расмий иш қоғозларида намоён бўлиб, “Халқ сўзи”, “Инсон ва қонун” каби газеталарда бу услубнинг алоҳида намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Бу услубга хос бўлган хусусиятлар ўз-ўзидан юқоридаги икки казетада ҳам намоён бўлади. Жумладан, аниқлик. Ушбу услубда шаклланган матнда ноаниқликка, изоҳталаб ўринларга йўл қўйилмаслиги лозим. Фикр ва мазмун содда, аниқ ва тушунарли тилда баён қилиниши керак. Фикр – мулоҳаза, баён асосан бир қолипда ифодаланади. Ушбу услуб учун жаргонлар, оддий

сўзлашувга хос сўзлар, тасвирий–таъсирчан бўёққа эга бўлган сўзларнинг ишлатилиши меъёр саналмайди ва шу жиҳати билан бошқа услублардан кескин фарқ қилади. Айни шу жиҳат юқоридаги газеталарнинг ўзига хос тили ва услубида намоён бўлади.

Газеталарда илмий –оммабоп услуб ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Буни барча газеталарда учратишимиз мумкин. Баъзан бу газетанинг йўналишини тўла–тўқис очиб беролмаса–да, аммо ундаги мақолаларда яққол кўзга ташланиб туради. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, бу баъзан ўқувчи учун қийинчилик туғдириши мумкин. Шунда керакли ўринда сўзнинг кўчма маъноларидан фойдаланиш мумкин бўлган томонлар мавжуд ва уларни ўрнида қўллай билиш керак. Хусусан, метафорадан фойдаланиш матнни тушунишни бироз осонлаштиради ва газетанинг ўқувчига яқин бўлишини таъминлаб беради. Бу газета тилининг илмийлигига путур етказмасдан, уни илмий–оммабоп услубга ўтишига кўмаклашади. Илмий–оммабоп услуб фонетик жиҳатдан бошқа услублардан фарқланиб турувчи ёрқин белгиларга эга эмас. Лексикасида эса фарқ қилувчи жиҳат соҳавий атамаларнинг кўплиги ҳисобланади. Бу услубда ҳам, худди расмий услубда бўлгани каби, сўзларни кўчма маъноларда қўллаш, тасвирий воситалардан унумли фойдаланиш хос хусусият саналмайди. Субъектив эмоционаллик, образлилик, оғзаки нутқ унсурлари, умуман бошқа адабий унсурлар кам ишлатилади. Мумкин қадар баён бир хил меъёрда ифода этилади. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда фикр юритилаётган манба, мавзу билан уйғун равишда, баъзан бу услубда ҳам образли ифодалардан фойдаланиш истисно эмас. *Масалан: дифференциал тенгламаларнинг хусусий ҳосилалари физикага чўри бўлиб ишга кирди, кейин у чўридан бекага айланиб кетди.*

Шу ўринда мазкур услубда сўз ясалиш имкониятининг бошқа вазифавий услубларга нисбатан маҳсулдор эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Турли метафорик турғун бирикмалар - давр талаби, дўстона суҳбат, юқори ҳосил учун кураш, яратувчилик ишлари, дунё ҳамжамияти, Мустақил

мамлакатлар ҳамдўстлиги, мустақилликни мустаҳкамлаш сингариларни фаол қўллаш ҳам илмий ва оммабопликда намоён бўлади. Бу йўналишдаги газеталаримизда юқоридаги сўзлар айниқса кенг ишлатилади.

Сўроқ гапларнинг маҳсулдор ишлатилиши, уларнинг мурожаат ва диалог шаклда бўлиши, бунда савол берувчи ҳам, жавоб берувчи ҳам муаллифнинг ўзи ҳисобланиши (Ғурур нима ўзи? Ранги қанақа? У ҳаммада бирдай бўладими ёки аксинчами? Менимча, ғурурли одам мамлакат миқёсида амалга оширилаётган ҳар қандай муваффақиятни ўзига тегишли, деб билади ва ундан қувонади. Халқ сўзи, 2001 йил 20 сентябр), уюшиқ бўлакли гапларга кўпроқ мурожаат қилинишида (Чунки ўқитувчи зоти машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибаси, беқиёс меҳри билан ёш авлодга фақат илм-фан сирларини ўргатиб қолмай, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, аجدодлар руҳига ҳурмат, эл-юртга садоқат каби юксак туйғуларни камол топтиришда ибрат ва намуна бўлади (Ислом Каримов. Ўзбекистон ўқитувчиларига ва мураббийларига табрик, Халқ сўзи, 2001 йил 29 сентябр), кириш бўлақлар ва кириш гапларнинг (Ваҳоланки, улар ўз мутахассислиги бўйича қаерга жойлашишни билмай юришганди. Албатта, бу билан муаммо бартараф этилди, деб айтиш нотўғри бўлар эди (Ишонч, 2001 йил 22 сентябр), шахси умумлашган гапларнинг кенг қўлланиши бугун тилуслубларининг кам бўлса-да, деярли барча газеталарда фойдаланилаётганлигини кўрсатиб беради.Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, янгиликни ёритишга бўлган интилиш оммабоп услубнинг асосий хусусияти саналиб, бу хусусият тилнинг янги сўз ва иборалар билан бойиб боришига сабаб бўлади. Т.Қурбонов бу услубда сўз ясалишининг икки кўриниши – морфологик ва композицион усулининг маҳсулдор эканлигини таъкидлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, бугун ихтисослашган газеталарда бадиий услубдан кенг фойдаланилмоқда. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” газеталари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Бу услуб ўзбек тили вазифавий услублари орасида ўзига хос мавқега

эга бўлиб, айти пайтда ўзининг алоҳида меъёрларига ҳам эга. Тил материални қамраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча лингвистик бирликларнинг, шу билан бирга, бошқа вазифавий услубларга хос бўлган унсурларнинг ҳам ишлатилавериши ва уларнинг муҳим бир вазифага – бадиий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиши бадиий услубнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Табиийки, бундай имкониятлар бошқа вазифавий услубларда чегараланган. Бу ўз ўрнида айти шу услубдаги газеталарнинг тил имкониятларининг кенгайишига ёрдам беради. Тил воситаларини қўллашда айти шу кенг қамровлилик бўлиши билан бирга, бу услуб доирасида уларни қўллашнинг маълум меъёрлари ҳам амал қиладики, фонетик, грамматик, лексик ва фразеологик хусусиятлар тарзида кўзга ташланадиган айти шу меъёрлар уни бошқа вазифавий услублардан чегаралаш имконини беради. Маълумки, журналистнинг тил маҳорати, энг аввало, синонимик бирликлар устида ишлаш маҳоратидир. Синонимик қатордан мос, керакли бирликни танлаб олиш таъсирчанликни, субъектив баҳони аниқ ифода этишнинг энг тўғри йўли бўлганлиги туфайли у газетанинг ўзига хос услубини кўрсатишда зарур лингвистик восита саналади. Фразеологизмлар моҳият эътибори билан асосан сўзлашув ва бадиий нутқ мевасидир. Улардаги бошқа услубга хос чегараланишлар эса маълум муддат кейин юзага келади. Масалан, биргина **ўлмоқ** маъносини англатадиган юзга яқин фразеологизмлар синонимик қаторининг пайдо бўлиши уларнинг вазифавий чегараланиш имкониятини туғдиради. Масалан, бу тизимга кирадиган оламдан ўтмоқ, дунёдан ўтмоқ, омонатини топширмоқ, қулоғи остида қолмоқ, жон бермоқ шакллари сўзлашув услубида ишлатилса, вафот этмоқ, ҳаётдан кўз юммоқ, дунёдан кўз юммоқ, ҳаёт билан видолашмоқ кабилар илмий, оммабоп ва расмий услубларда учрайди. Аллоҳ раҳматига йўл тутмоқ, ўлим шаробини таътимок, дорилфанодан дорилбақога рихлат қилмоқ сингарилар эса бадиий матнга тегишлидир. Буларнинг ҳар бири, албатта, газета йўналишига кўра танланади.

Бадиий услуб устувор бўлган газеталарда тил бойликларидан фойдаланибгина қолинмасдан, ундаги кўплаб бирликларнинг тилда меъёрлашувига, адабий тилнинг бойиб, ривожланиб боришига доимий равишда таъсир ўтказиб туради. Шу билан бирга, турли хусусий кўнгилочар нашрлар сўзлашув услубига яқинлигини алоҳида айтиб ўтиш керак. Шу ўринда яна бир маълумот, газета тили ва услуби хусусида гапирганда бевосита ихтисослашган матбуот ҳақида тўхталишни афзал кўрдик. Негаки, айнан ихтисослашув ҳам қайсидир маънода бир услуб доирасида туришни кўрсатиб беради. Демокчи бўлганимиз, газета йўналиши, номи ва мақсадига кўра маълум бир услубни танлайди ва шу ўринда ушбу газетада чоп этилаётган мақолалар ўзида айна шу услубни намоён этади. Жумладан, диний-маърифий йўналишдаги газеталарда ҳам, хусусан, шундай.

Шунинг учун ҳам биз такрор-такрор газетанинг бошқа оммавий ахборот воситалиридан фарқ қилувчи ўзига хос тили ва услуби хусусида тўхталдик, бу фақатгина газета услуби ва тилини кўрсатиб бериш эмас, балки республикаimizдаги турли нашрларнинг тил ва услуб кўринишлари тўғрисида берилган маълумотлардан иборат бўлди.

Матбуот бугунги кундаги ўрни, жамият ҳаётидаги иштирокига эътибор қаратишнинг ўзиёқ фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Матбуот албатта инсонлар билан матний мулоқотга киришади ва айна шу жараёнда унинг холис ва ҳаққонийлиги катта аҳамият касб этади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш мумкинки, аудитория билан мулоқотга киришиш, одамларнинг ўй фикрлари ва ҳаёттарзларига бевосита кириб бора олиш учун матбуотнинг таъсирчанлик ва тасвирий бўёқдорлик каби хусусиятлари ҳам алоҳида қайд этиш мумкин бўлган жиҳатлардир.

Шу боисдан ҳам, матбуотда эълон қилинаётган мақолаларда сўзларнинг кўчма маъносидан фойдаланиш, шу орқали берилаётган фикрнинг осон етиб бориши ва тушунилишини таъминлаш мумкин. Бизнинг тилимиз шунчалар бойки, унда бир сўзнинг ўнлаб, юзлаб маъновий кўринишларини топиш мумкин. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг

“Муҳокамат ул луғатайн” асарида биргина йиғламоқ сўзининг бир канча маънолари бериб ўтилган. Шу билан бирга тилимизда маъно кўчишнинг метафора, метонимия, синекдоха, киноя ҳамда вазифадошлик каби турлари ҳам ўзига хос тасвирий бўёқдорликни бериш ва таъсирчанликни оширишга хизмат қилади, албатта. Яна шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, баъзи бир ҳолатларда бир фактнинг ўзида метафорик-вазифадошлик, метафорик-метонимик ёки метонимик-вазифадошлик, метафорик-синекдоха усуллари намоён бўлиб қолади.

Шу сабабдан ҳам матбуот нашрларида сўзларнинг кўчма маънолари ва улар билан бирга тасвирий бўёқдорликни оширувчи, тилимизнинг жозибадорлигини кўрсатувчи мақоллар, ибора ва тасфирий ифодалардан фойдаланиш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Умуман олганда сўз маъносининг кўчиши мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса саналади. Маъно кўчишининг бу каби турлари фикримизни ифодали, нутқимизнинг жозибали бўлишига ёрдам беради.

1.2 Кўчма маънодаги сўзлар хусусияти ва аҳамияти

Кўчма маънодаги сўзларнинг қўлланилиши газета матнларининг ўзига хос бўлишини таъминлаш билан бирга, уларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши нутқда муҳим вазифалардан бирини бажаради. Бу вазифалар сирасига таъсирчанлик, бадиий бўёқни ошириш, такрорийликнинг олдини олиш ва ҳоказолар кириши мумкин. Сўзларнинг кўчма маънода қўлланилишини маъно кўчиш турларига қараб изоҳлаш мумкин. Кўчимлар дейилганда адабий асарнинг бадиий қимматини, ифодалилигини, таъсирчанликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилишни» назарда тутилади.

Сўз маъносининг кўчиш жараёнлари турли кўринишларда воқе бўлади, бу жараёнлар ва уларнинг натижалари сифатида юзага келадиган ҳодисалар, бу ҳодисаларнинг турлари, ўзига хос хусусиятлари каби масалалар ўзбек тилшунослигида анча батафсил ўрганилган. Кўчимлар деярли кўпчилик адабиётларда “троплар” атамаси остида ўрганилган. "Бадиий матннинг лингвистик таҳлили” қўлланмасида кўчимлар тасниф этилган. Бадиий матндаги сўзларнинг маъно кўчиши тасвирий воситаларнинг деярли барчасининг асосида ўхшатиш, чоғиштиришдан иборат мантикий тушунча ётганлигини унутмаслик керак. Сўзларнинг маъно кўчишининг қуйидагича усуллари мавжуд:

1. Метафора (ўхшатиш);
2. Метонимия (қайта номлаш);
3. Синекдоха (бирга англамоқ);
4. Киноя (кесатик-пичинг);
5. Вазифадошлик.
6. Префраз
7. Муболаға, гротеск ва кичрайтириш

Метафора усули билан маъно кўчиришда предмет ёки воқеа ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик асосидаги маъно кўчишига эришилади (лотинча

метапхора – “кўчириш” деган маънони билдиради)⁹. Метафора бир предмет номининг бошқа предмет номига улар ўртасидаги маълум ўхшашлик асосида кўчишидир. Масалан, тандирнинг оғзи бирикмасидаги оғиз сўзининг маъноси одам ёки ҳайвон оғзига ташқи ўхшашлиги асосида вужудга келган. Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик турли асосда бўлиши мумкин:

1. Икки предмет ўртасидаги шаклий ўхшашлик. Масалан, одам қулоғи ва қозон қулоғи;
2. Икки предмет қаерда жойлашиши бўйича ўхшашлик. Масалан, итнинг думи, самолёт думи ва бошқалар.

Предметлар ўртасидаги ўхшашлик учун уларнинг турли жиҳатлари асос қилиб олинishi мумкин. Масалан: одамнинг бурни – географик бурун, кўйлакнинг этаги – дарёнинг этаги, осмондаги ой – байроқдаги ой каби. Бу ўринда предметларнинг ташқи жиҳатдан ўхшашликларига алоҳида аҳамият берилган. Шунингдек, уларнинг ички ўхшашликлари, вазифавий бир хилликлари асосида ҳам маъно кўчирилади. Мисол учун тоза кўйлак – тоза одам, тўғри йўл – тўғри гап, дўстим келди – сув келди каби.

Метафора усули билан маъно кўчиш ҳодисаси от, феъл, сифат сўз туркумларида кўп учрайди. Мисолларга эътибор берайлик: олтин куз, темир интизом, пўлат ирода; ширин гап, аччиқ ҳақиқат, узун суҳбат; суҳбат қизиди, кўнгли совуди, гап чўзилди. Эътибор берилса, барча ўринларда ўхшашлик биринчи ўринга чиқаётганини ва метафорани вужудга келтираётганини сезиш мумкин. Метафора усулидан бадиий услубда ҳам фаол фойланилади. Хусусан, метафора усули билан маъно кўчганда жумладаги бўёқдорлик, жозиба ошади. Масалан, “лаб” сўзини олайлик. Лаб инсоннинг тана аъзоси бўлиб, аслида, инсонга нисбатан ишлатилади. Лекин бирор-бир жумлани бадиий жозиба билан таъминлаш учун лаб бошқа сўзлар билан ҳам ишлатиш мумкин. Масалан, *“Лобар ариқ лабида ўтирганча хаёл сурар, хазон*

⁹www.referat.uz

бўлаёзган ҳаётини бирма-бир муҳокама қиларди”. Бу гапда лаб ариқ билан бирга қўлланилган. Бунда лабнинг жойлашиш ўрни инобатга олинади, яъни, биринчидан, оғизнинг шакли ариққа ўхшаб кетади, лаб эса оғизнинг четида жойлашган. Айнан ана шу ўхшашлик туфайли ҳам ариқнинг четида “лаб” нисбати берилади. Бу ерда жумла *“Лобар ариқ четида ўтирганча ҳаёл сураб...”* кабилида тузилиш ҳам мумкин эди, бироқ унда матннинг таъсирчанлик кучи, бўёқдорлиги йўққа чиқарди. Шу билан бирга, юқоридаги жумлада яна бир кёчма маънода қўлланилган сўз бор. Бу “ҳазон бўлаётган ҳаёт” жумласида кузатилади. “Хазон” кузда ерга тўкилиб, тупроққа қоришаётган баргга нисбатан ишлатилади, у баргнинг умри тугаганлигини англатади. Шунинг учун ҳам тугаб бораётган умр ёки сўниб бораётган орзумидларга нисбатан ҳам “ҳазон” сўзини ишлатса бўлади. Бу ерда ҳам *“тугаббораётган умрини...”* тарзида қўлласа ҳам хато бўлмасди. Аммо тугаб бораётган умрни хазонга қиёслаш ўқувчи кўз ўнгиде жонли тасаввурни юзага келтиради. Хазон нималигини билган ҳар бир инсон *“ҳазон бўлаётган умр”* ҳақида жонлироқ тасаввурга эга бўлади. Сўзларнинг кўчма маънода қўлланилишининг таъсир кучи, аҳамияти ҳам шунда.

Метонимия сўзи юнонча метонимия – “қайта номлаш” сўзидан олинган бўлиб, бирор предмет, воқеа-ҳодисани ўхшашлик асосида эмас, балки замон ва макондаги ўзаро алоқадорлик асосида қайта номлаш, биринчисининг номи иккинчисига кўчади. Метонимиянинг асосий кўринишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бирор предмет ёки ҳодисадаги ном шу қисмга кўчирилади. Масалан: шаҳар – одамлар ғуж яшайдиган, маданий марказ. *Бутун шаҳар кўчиб чиқдиганда* эса шаҳарда яшовчи одамлар назарда тутиляпти. Бош – одам гавдасининг елкадан юқори қисми. *Бошим қотиб қолди* (синекдоха) гапида эса мия маъносини беряпти. Демак, бундай ҳолатларда предметлар ўртасидаги алоқадорлик маъно кўчириш учун мезон қилиб олинади.

2. Бирор нарсанинг номи шу нарсага асосланган ўлчов бирлигининг номи сифатида олинади: кун-күёш, кун-24 соатлик ўлчов бирлиги, соат-кун

вақтларини аниқ кўрсатиб берувчи механизм, соат – аниқ вақт, ой – самодаги планета номи, ой – йил бўлаги.

3. Бир предметнинг номи шу предметдан ҳосил қилинган нарсага кўчирилади. Масалан, чой-ўсимлик, чой-ичимлик, сув-табиий модда, сув-ҳар хил қайта ишланган ичимлик маҳсулотлари ва ҳоказо.

4. Белгининг номи шундай белгиси бор нарсага кўчирилади; аччиқ (маза, таъм) – аччиқ (қалампир), чаён (заҳарли ҳашарот) – чаён (сержаҳл, ёмон одам), заҳар (оғу) – заҳар (мараз одам) ва шу кабилар.

5. Айрим нарса предметлар номи маълум бир хатти-ҳаракатлар натижасида ўзаро алоқадорлик йўли билан ҳосил қилинган, лекин бу усул диахрон характерга эга бўлиб, тилимизнинг бугунги босқичида учрамайди: қатлама – хамирни қат-қат қилиб қўйиш натижасида, тўй – тўймоқ феълидан, қиринди – қирмоқ сўзидан ясалган.

6. *Бобурни ёдладим, Навоийни варақлаб кўрдим, Навоийи олдим қўлимга* каби бирликларда ҳам алоқадорлик ҳодисаси мавжуд деб қаралади¹⁰.

Сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши узун жумлалар, кераксиз сўзларнинг қўлланилишининг олдини олади. Матннинг, жумланинг қисқа ва тушунарли бўлишини таъминлаб беради. Бу борада эса метонимия асосида маъно кўчиши муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, тобора талаблари кўпайиб, функциялари мукаммаллашиб бораётган бугунги кун ёзма адабиёти ҳар томонлама мукаммалликни талаб этмоқда. Ёзма адабиётда бир қоида бор, жумла қанчалик чўзилса, шунчалик зерикарли кўринишга келади, аниқроғи, силлиқлигини йўқотади. Айнан ана шу ҳолатни бартараф этиш учун метонимия усули қўл келади, бунини мисоллар орқали қуйидагича таққослаш мумкин: “Залдаги одамлар оёққа турди” – “Бутун зал оёққа турди”. Бу икки гапнинг мазмуни битта, фақат кўриниши турлича. “Бутун зал оёққа турди” гапи эса бу гапнинг биринчи кўринишига қараганда бироз бўёқдорроқ, мураккаброқ. Бу мисолда эса маъно кўчиши кузатилади, яъни

¹⁰www.wikipedia.com

залдаги одамлар зал деб қайта номланган. Матнда “зал” сўзи “одамлар” маъносини ҳам беради.

Синекдоха сўзи юнонча сйнекдоче – бирга назарда тутиш сўзидан олинган бўлиб, қисм орқали бутунни, бутун орқали эса қисмини ифодалаш саналади. Синекдоха усули асосида ҳам предметлар орасидаги алоқадорлик ётади. Шу боис, унга метонимиянинг бир кўриниши сифатида баҳо бериш ҳам мумкин, лекин бу алоқадорликда бутун бўлак муносабати доимо яққол кўриниб туради. Мисолларга эътибор берайлик: Туёқ боқмоқ (мол ёки қўй боқмоқ), тирноққа зор (фарзандга) каби кўринишларда қисм орқали бутун ифодаланаяпти. Ўзбекистон ютди, Фарғона келди ибораларида эса бир киши ёки гуруҳ назарда тугилади. Бундай ўринларда эса бутун орқали қисм ифодаланади.

Маъно кўчишнинг яна бир усулига функционал кўчиш дейилади. Баъзи бир адабиётларда унга **вазифадошлик** асосидаги маъно кўчиш, яъни вазифадошлик деб ҳам баҳо берилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, маъно икки предмет ўртасидаги вазифавий ўхшашлик асосида кўчирилади. Масалан: оёқ инсоннинг тик туриши учун хизмат қиладиган анатомик органи. Стулнинг оёғи деб атаганимизда ҳам мана шу функцияга асосланилади. Одамнинг кўзи – деразанинг кўзи (ҳар иккаласи кўриш учун), қушнинг қаноти – самолётнинг қаноти (ҳар иккаласи учиш учун) мисолларида ҳам вазифадошлик асосидаги маъно кўчишни кузатишимиз мумкин. Яна шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, баъзи бир ҳолатларда бир фактнинг ўзида метафорик – вазифадошлик, метафорик – метонимик ёки метонимик- вазифадошлик, метафорик – синекдоха усуллари намоён бўлиб қолади. Мисол учун кўк-осмон, кўк-тепа, бош-калла, бош-бир жуфт ҳолатларида метафорадан ташқари метонимик ҳолат ҳам мавжуд.

Умуман олганда, сўз маъносининг кўчиши мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса саналади. Маъно кўчишнинг юқоридаги каби турлари нутқимизнинг таъсирчанлигини оширишда, ифодали, жозибали бўлишида катта аҳамиятга эга.

Ижодий -муаллиф метафоралари эса ёзувчининг эстетик мақсади, яъни борлиқни субъектив муносабатини қўшиб ифодалаган ҳолда номлаши асосида юзага келади. Улар услубий жиҳатдан бўёқдорликка ва воқелиқни образли тасвирлаш хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам бадиий матнда қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини таъсирчан, ёрқин бўёқларда, аниқ ва ихчам ифодалашга хизмат қилади. Хусусий-муаллиф метафораларида ҳамиша коннотатив маъно мавжуд бўлади. Метафора орқали маъно кўчишида коннотатив маъно ёрқинроқ акс этади. Масалан, от, эшак, қўй, ит, бўри, тулки, йўлбарс, бойўғли, мусича, бургут, лочин, қалдирғоч, булбул каби ҳайвон ва қушларнинг номлари бўлган лексемалар мавжудки, бу сўзлар ўз маъносидан ташқари, кўчма маънода жуда кенг қўлланади. Отнинг бақувватлиги, эшакнинг ақлсизлиги, қўйнинг ювошлиги, итнинг вафодорлиги, мушукнинг эпчиллиги, тулкининг айёрлиги, бургутнинг чангаллашдаги кучлилиги, лочиннинг кўзи ўткирлиги каби типик хусусиятлари бошқа предметларга нисбатан метафорик усулда кўчирилади, натижада коннотатив маъно юзага келади ҳамда матннинг таъсирчанлиги ошади.

Метафора билан ўхшатиш конструкциянинг ўзаро фарқи ҳақида тилшуносларимиз ўзларининг фикрларини айтиб ўтишган. Уларда асосан қуйидаги фарқлар санаб ўтилади:

1. Ўхшатишда соҳалар ўз маъноси билан иштирок этади.
2. Ўхшатишда икки компонент – ўхшатиловчи, ўхшатиловчи объект ва ўхшовчи образ қиёсланади. Метафора эса бир компонентли бўлади.
3. Ўхшатишларда кенгайиш имконияти кўп, бир гап ҳатто абзас даражасида кенгайиши мумкин. Метафоралар эса сўз ёки сўз бирикмасидан иборат бўлади.
4. Ўхшатишда махсус кўрсаткичлар бўлади: -дек, -дай, -симон, -ларча, каби, сингари, кўрсаткичлар бўлади. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин: Карим тулкидай айёр одам.

Ўхшатиш конструкциясида Карим –ўхшатиш субъекти, тулки–ўхшатиш эталони, айёр– ўхшатиш асоси, -дай– ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи. Бу тўлиқ ўхшатиш. Карим – тулки. Бу қисқарган ўхшатиш, чунки гапда ўхшатиш асоси (қайси хусусияти ўхшашлиги) ва кўрсаткичи ифодаланмаган. Вой, тулки-ей... (Каримга нисбатан ишлатилмоқда). Бу метафора ҳисобланади. Чунки, Каримнинг айёрлиги образли тарзда ифодаланяпти, бутунлай қайта номланяпти. Юқорида кўриб ўтилган метафораларнинг барчаси, асосан, одатий метафоралардир. Жонлантириш бадиий нутққа образлилик бахш этувчи муҳим воситалардан биридир¹¹. Жонлантириш – истиоранинг бир кўриниши. Жонлантириш одамларга хос бўлган хислатларни жонсиз предметлар, табиат ҳодисалари, ҳайвонот, парранда, қуш кабиларга кўчириш орқали пайдо боладиган тасвир усулидир. Мумтоз адабиётимизда жонлантиришнинг икки тури фарқланган: 1. Ташхис –шахслаштириш, жонсиз нарсаларни инсонлардай тасвирлаш. Шеърятда жонлантиришдан воқеликни образли тасвирлаш мақсадида фойдаланилади. Тасвир обектига китобхонни яқинлаштириш, воқеликнинг англанишини осонлантириш ва қуруқ-рангсиз ифодадан қочиш учун ҳам мазкур усулга мурожаат қилинади. Ёхуд жонсиз нарсага инсонга мурожаат қилгандек муносабатда бўлиш ҳам жонлантиришнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Перифраз деб аталувчи тасвирий ифодалар ҳам бадиий нутқнинг тасвирий бўёқдорлигини таъминловчи услубий воситалардан ҳисобланади. Перифраз деб “наrsa, ҳодисани ўз номи билан эмас, уларни характерли белги – хусусиятлари асосида тасвирий усул билан ифодалаш”га айтилади. Шунинг унутмаслик керакки, ҳар қандай наrsa – ҳодиса номини бошқа ибора билан атайвериш кутилган натижа бермайди. Аталаётган ҳодиса билан янги ном– ибора ўртасида мазмуний яқинлик бўлиши лозим. Масалан, учувчилар – само

¹¹ Ҳайдаров Ш. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. –Т.:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2010.— 56–б.

лочинлари, акула – сув ости ҳукмдори, шер – ҳайвонлар султони, Самарқанд – Шарқ дарвозаси, театр – маънавият ўчоғи, ёшлик – севги фасли каби.

Муболаға, гротеск ва кичрайтиришда нарсаларни, воқеа ва ходисаларни, ҳис-туйғуларни, белги-хусусиятларни ўта бўрттириб тасвирлашга муболаға (ёки гипербола) дейилади. Муболаға ҳам тасвирнинг таъсирчан чиқишига, образли ифодаланишига хизмат қилади. “Муболағанинг сўз маъносининг кўчишига асосланиши унинг троплар гуруҳига мансублигини кўрсатса ҳам, у тропнинг бошқа кўринишларидан фарқ қилади. Чунки тропнинг бошқа кўринишларида кўчма маъно маълум бир белги асосида ўхшатиш, таққослаш, воқеа-ҳодиса ёки предметлар ўртасидаги боғлиқликка кўра бўлса, муболаға эса тўғри маънода тушунмасликни талаб этади». Муболағага асосланган кўчим бадиий матнга нутқ предметига нисбатан ўқувчи эътиборини тортиш ва нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш мақсади билан олиб кирилади. Муболағада ифодаланаётган ахборот табиийки, ҳаёт ҳақиқатига мос келмайди. Лекин меъёр бузилса кутилган таъсирга эришилмаслиги ҳам мумкин. Аслида “муболағали нутқнинг асосий мақсади ахборот бериш эмас, балки, тингловчи ёки ўқувчига таъсир қилишдир”¹².

Сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши матннинг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кучини оширади. Масалан, *“Курсисида ялпайиб ўтирган Расул ака бу совуқ хабарни эшитди-ю, нохуш аҳволга тушиди. Бу нохушлик уни қарахт аҳволга солиб қўйганди”*. Бу мисолда, одатда, об-ҳаво, ҳароратга нисбатан ишлатиладиган “совуқ” сифати хабарнинг қанчалик нохуш эканлигини ифодалаб келган. Айнан шу мисолда сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши жумлалардаги одатийлик, такрорийликни бартараф этишга хизмат қилиши аён бўлади. Жумладан, дейлик, юқоридаги гап *“Курсисида*

¹²Ўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари.—Самарқанд, 1999.— 39–б.

ялпайиб ўтирган Расул ака бу нохуш хабарни эшитди-ю, нохуш аҳволга тушди. Бу нохушлик уни қарахт аҳволга солиб қўйганди”. Бу мисолда “нохуш” сўзининг уч бора такрорлангани матнни ғализ қилиб қўйган бўларди. Ана шу ғализлик, такрорийликнинг олдини олиш учун “нохуш” сўзининг шартли синоними “совук” сифатловчиси қўлланилган. Демак, сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши такрорийликнинг ҳам олдини олар экан. Тилдаги учрайдиган шундай муаммолар билан шуғулланадиган услубшуносликнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд: а) тилнинг лексик ресурсларини ўрганувчи йўналиш, б) функционал услубият – вазифавий услубшунослик, с) бадиий адабиёт услублари, д) амалий услубшунослик. Буларнинг барчаси фақатгина журналистнинг ижодини ўзига хос қилибгина қолмай, юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни олдини олишга ҳам ёрдам беради.

Бу эса ўз навбатида журналистнинг ижодий ишини янада ўқишли қилиш билан биргаликда, матндаги фикрнинг газетхонга тез ва осон тушуниш имконини беради. Шунинг учун ҳам сўзларнинг кўчма маъносидан фойдаланишда нафақат тилимизда мавжуд бўлган, балки янги ижодий маъно кўчишларини ҳам қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

II Боб. КЎЧМА МАЪНОЛИ СЎЗЛАР ТАСВИРИЙ ТАЪСИРЧАН ВОСИТА СИФАТИДА

2.1. “КИТОБ ДУНЁСИ” ГАЗЕТАСИДА СЎЗЛАРНИНГ КЎЧМА МАЪНОДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

“Кузатишларимча, ёшларимиз психологик оғир ўқиладиган китобларни ўқишмайди, балки, уларни кўпроқ замонавий ҳаётдан олинган сюжетли асарлар қизиқтиради, энгил жанрдаги фантастик ва детектив асарларни кўпроқ мутолаа қилишади”¹³.

Бу мисолда сўзларнинг маъно кўчишидан унумли фойдаланилган. Яъни аслида бирор бир моддий жисмнинг вазнини ифодаладиган “оғир” сўзи туб моҳиятини сақлаган ҳолда кўчма маънода келган. “Қийин ўқиладиган китоблар” ёки “Қийин тушуниладиган китоблар” тарзида қўлланилиши мумкин бўлган гап бу ерда “Оғир ўқиладиган китоблар” тарзида ифодаланган ва “оғир” сўзи “қийин”нинг шартли синоними сифатида ишлатилган. Бундан кўзланган мақсад эса жумланинг маъносини кучайтириш. Муаллиф билдирмоқчи бўлган фикрининг таъсирчанлигини ошириш учун айнан “оғир” сўзининг кўча маъносидан фойдаланган. Шу ўринда шартли синоним ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтсак. Фақат гап таркибида маънодош бўлиб келган сўзлар шартли синонимлар дейилади. Бунда эса, албатта, сўзлар англантиши мумкин бўлган маъно асосий ўрин тутади.

“Анъанага айланган “Китобхонлар байрами” доирасида турли хил маънавий-маърифий тадбирлар шеърият кечалари, кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда”¹⁴.

Ушбу жумлада “шеърият кечалари” бирикмасидаги “кеча” сўзи ҳам ўз маъносида эмас. У тадбир, байрам каби сўзларнинг шартли синоними бўлиб кела олади. Бу ерда эса унинг айнан ана шу хусусиятидан унумли фойдаланилган. Шартли синонимлардан фойдаланиш матндаги бир

¹³Эргашева Д. Фикрлар замини, тафаккур калити // Китоб дунёси 15.10. 2013, 19-сон.

¹⁴Ўша манба.

хилликни олдини олиб, ўқувчини зериктирмасликка кўмаклашади. Лекин шу жараёнда журналист сўз устида пухта ўйлаб, сўнг қўллаши керак. Чунки синонимик қатордаги бир сўз ижобий маъно берса, яна бири салбий бўёқдорликка ҳам хизмат қилади.

“Юз иссиқ, ўзбекчилик, юбилейчилик — 60 ёшлик, ҳомийлик деган гапларнинг илдизи ҳали бақувват”¹⁵.

Китоб дунёси газетасида бундай маъно кўчишларидан кўп фойдаланилган. Биз юқорида келтириб ўтган гап ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Маълумки, илдиз дарахт ёки умуман барча ўсимликларнинг ҳаёт воситаси ҳисобланади. Ўсимликнинг узоқ яшаши илдизининг қанчалик бақувват эканлигига боғлиқ. Ана шу маъноси туфайли ҳам “илдиз” сўзи кўп ҳолларда кўчма маънода қўлланилади. Юқоридаги гапда ҳам илдиз кўчма маънода қўлланилган. Бу эса ўзнавбатида гапларнинг “илдизи ҳали бақувват”лиги бу гапларнинг аҳамияти ҳали камаймаслигини англатади. Гапда илдиз бўлмаслиги аниқ, шу боис, бу ерда илдиз кўчма маънода қўлланилганлигини билиш мумкин. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, бу ерда илдиз бажарадиган вазифаси бир хил — ўз маъносида дарахтнинг барҳаётлигини таъминлайди, гапда эса гапларнинг барҳаётлигини таъминлаб келган. Шундан келиб чиқиб бу ерда **вазифадошлик** асосида маъно кўчиши юз берган, деб хулоса қилиш мумкин.

“Шунинг учун ортиқча гапириб ўтирмайин, гап эса битта — китоб ўқиш бу бўш вақтни “ўлдириш” ё кўнгилхушлик эмас, у жамиятнинг умумий савиясини кўтарадиган, демак, тараққиётга, ривожланишга хизмат қиладиган муҳим омил”¹⁶. Юқоридаги матндан келтирилган бу жумлада ҳам «вақтни зое кеткизиш, бесамар ўтказиш» маъноси бошқа сўзнинг кўчма маъносидан фойдаланилган ҳолда англашилган. Яъни бу ерда «ўлдирмоқ» сўзи «зое кетказиш» маъносида келган. Бу жумлада айнан “ўлдириш” сўзининг кўчма маъносидан фойдаланилганининг сабаби эса маъно

¹⁵ Аҳмедов А. Ҳамма гап муаллифда // Китоб дунёси 15.10. 2013, 19-сон.

¹⁶ Ўша манба.

таъсирчанлигини ошириш. Негаки “ўлдирмоқ” ёки умуман “ўлим” сўзлари инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатади.

“Бироқ ақл бовар қилмайдиган даражада кучли бўлгани сабабли Геркулина деб аташадиган бу қутурган девни ҳеч қандай тавалло билан юмшатиб бўлмаслигини англаш учун унинг юз-кўзига назар ташлашнинг ўзи кифоя эди”¹⁷.

Бу гапда, аслида, аёл киши, жиннихонадаги масъул ходимлардан бири тасвирланган бўлиб, унинг жуда кўпол, бақувват эканлигини билдириш учун «дев» нисбати ишлатилган. Демак, бу ерда ташқи ўхшашлик асосида маъно кўчган. Чунки дев афсонавий бўлиб, баҳайбат, ваҳший махлуқ сифатида тасвирланган. Бу жумладаги ушбу ўхшашлик эса гап англатадиган маънони ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиради, яъни дев нималигини билган ўқувчи аёлни қандай кўринишда эканлигини тасаввур қилишга қийналмайди.

“Эри бунга шанба ва якшанбада теварак-атрофда куни бўйи қутуриб ёгган жала сабабчи бўлган, деб ўйлади”.

“Қутурмоқ” сўзи қандай маъно англатиши маълум, исёнкорлик, шиддат билан ҳаракат қилиш ва шунга ўхшаш маъноларни англатади. Юқоридаги гапда эса айнан ана шу маъно ёмғирнинг анча шиддат билан ёғаётганини, шунингдек, бу ёмғир ўзи билан бирга кучли шамол ҳам олиб келаётганини янада таъсирчанроқ қилиб тасвирлаш учун муаллиф “қутурмоқ” сўзига мурожаат қилган. Шу ўринда таъкидлаш керак, “жала” сўзи ёмғирнинг анча шиддат билан ёғишини англатади. Жаланинг янада кучлироқ ёғаётганлигини билдириш учун эса муносиб сўз топиш талаб қилинади. Муаллиф эса бу сўзни топди ва мақсадига эришди, деб айта оламиз.

Шу билан бирга, “Китоб дунёси” газетасида ўқувчини ижобий маънода ҳиссиётлар оламига чорлайдиган, инсоний туйғуларни тараннум этадиган ҳикоялар чоп этилади. Табиийки, ана шу ижод намуналарида сўзларнинг кўчма маъносидан фойдаланишга эҳтиёж сезилади. Бу фикримизга юқорида

¹⁷Шарипов Б. М. Мен телефондан қўнғироқ қилиш учун келгандим// Китоб дунёси, 11.09.2013, 17-сон.

келтирилган жумлалар мисол бўла олади. Қуйидаги гап ҳам фикримизни яққол исботлайди.

“Мактубда у бу тийиқсиз севги тўфониға ортиқ дош беролмаслигини ёзганди”¹⁸.

Реал олиб қаралганда, тўфон севгида бўлмайди, у шамол ёхуд сувнинг кескин кўпайиши, умуман олганда, табиатнинг бешафқат ходисасидир. Севгида ҳам ўзига хос тўфон бўлади. Бу ишқ-муҳаббатнинг ҳаддан ташқари кучлилиги ёхуд бу севгининг қийноқлари, мислсиз тўсиқларидир. Юқоридаги мисолда эса қаҳрамоннинг севги қийноқлари, ҳижрони, умуман, ишқ деб йўлиққан машаққатларига ортиқ дош бера олмаслиги айтилган.

“Эрталабдан буён иккинчи қутини чекиб тугатаркан, Мария гугурт қолмаганини сезиб қолди”.

Мана бу жумлада эса метонимия (ўзаро алоқадорлик) асосида маъно кўчиши бор, яъни “иккинчи қутининг сегаретларини” шаклидаги жумла, “сигарет”нинг маъносини бевосита “қути” сўзига кўчирган ҳолда юқоридаги ҳолатга келган. Бунда қути “сегарет” маъносини ифодалаб келган. Бу мисолда ортиқча сўздан фойдаланмаслик, одатий усулдан қочиш жумлага том маънода ўзига хослик бағишлаган, десак, янглишмаган бўламиз.

“Бу даҳшатли хира фикрга қандай жавоб беришини билолмади”¹⁹.

«Хира» сифатловчиси бирор нарсанинг яхши кўринмаслиги, мавҳумлигини ифодалаш учун қўлланилади. Умуман олганда эса салбий маъно ифодалайди. Мазкур жумлада ҳам айнан ана шу ҳолатни кузатиш мумкин. “Хира” сўзи кўчма маънода қўлланилган ва фикрнинг тушунарсиз, мавҳум шу билан бирга нохуш эканлигини ифодалаб келган. Бу каби ифодалар газета услубига хос бўлиб, унда сўзларнинг маъно кўчишларидан кенг фойдаланилади. Буни газетада чоп этилаётган бадиий асарлардан ташқари кўпгина мақолаларни таҳлил қилиш жараёнида ҳам кузатиш

¹⁸Шарипов Б. М. Мен телефондан қўнғироқ қилиш учун келгандим // Китоб дунёси, 11.09.2013, 17-сон.

¹⁹Ўша манба.

мумкин. Бу жараёнда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, “Китоб дунёси” газетаси материалларининг асосий қисмини бадиий асарлар ташкил этади ва ушбу бадиий асарлардан ўнлаб кўчма маънодаги сўзларни топиш, уларни изоҳлаш ва матнда қандай вазифани бажаришга хизмат қилганини кўриш мумкин. Бироқ биз газетада чоп этилган асардан бир неча мисоллар келтириш билан чекланиб, асосий эътиборни мақолаларга қаратишга ҳаракат қилдик. Бундан мақсад газетада сўзларнинг ана шу бўёқдорлигидан қанчалик фойдаланишаётганини кўрсатиш билан биргаликда ундаги ижодкорлар услубида бундай турдаги сўзлар қай даражада қўлланаётганлигини ўрганишдан ҳам иборат эди.

Хулоса ўрнида айтганда, “Китоб дунёси” газетаси материалларида сўзларнинг тасвирий бўёқдорлигидан ўринли фойдаланилган ва бу орқали ўқувчини ўзига торта олишдек вазифани уддалаган дейиш хато бўлмайди.

2.2. “ҲУРРИЯТ” ГАЗЕТАСИДА ҚЎЛЛАНГАН КЎЧМА МАЪНОЛИ СЎЗЛАРНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

“Бу офат турли кўринишларда аҳоли, айниқса, ёшлар ҳаётига, турмуш тарзига, онг-шуурига, аста-секин кириб келади, қон томирларига жойлашиб, чуқур илдиз отади, фикри-зикрини эгаллайди”²⁰.

“Илдиз отади” жумласи ўз маъносида олиб қараганда, бирор-бир ўсимликнинг мустаҳкам бўлиши, ерга маҳкам жойлашишини англатади. Илдиз отган ўсимлик бақувват бўлади. Юқоридаги мисолда эса “илдиз отиш” офатга нисбатан қўлланилган, офатнинг инсон миясига ўрнашиб олиши, унинг онгини батамом эгаллаши “илдиз отиш” жумласининг кўчма маъноси билан ифодаланган. Бунда маъно жиҳатдан ўхшашлик бор.

“Йўл бошида адашманг”²¹ — бу жумлада ташқи ўхшашлик асосида маъно кўчиши кузатилган. Яъни “бош” асосан, инсонга хос аъзо. Бош тананинг юқори қисмида жойлашиши маълум. Шунинг учун ҳам йўлнинг бошланиш қисми, юқори томонга нисбатан “йўлнинг боши” нисбати ишлатилади.

“Маҳорат майдонда тобланади”²² сарлавҳаси остидаги мақолада қўлланган майдон сўзи эшитганда ёки ўқиганда майдон, одатда, кенг дала, умуман, кенг ҳудуд тушунилади. Худди шунинг учун ҳам адабиётда “адабиёт майдони” деган тушунча мавжудки, у адабиёт олами, ижод дунёсини англатади. Бу “майдон” сўзининг кўчма маъноси, моҳияти эса сақланиб қолинган. Бу ерда ҳудуднинг кенглиги муҳим рол ўйнайди, яъни ташқи ўхшашлик бор. Бу жиҳатдан мазкур жумладаги маъно кўчишини метафора дейиш мумкин. Қолаверса, адабиёт олами “адабиёт майдони” дея қайта номланыпти. Бу жиҳатдан эса метонимияга ўхшаб кетади. Ушбу мисолда, албатта, таъсирчанлик кучлироқ. Чунки “адабиёт майдони” жумласи ўқувчи кўз ўнгида бевосита жонли тасаввур уйғотади.

²⁰Маматов Х. Йўл бошида адашманг // Ҳурият, 15.04. 2013, 15-сон.

²¹Ўша манба.

²²Миралимов Ш., Жабборов Ф. Маҳорат майдонда тобланади // Ҳурият, 26.03.2014, 14-сон.

Адабиётнинг офтоби – кўнгил. Офтоб табиатга нур иссиқ харорат таратиши аён. Адабиётда эса кўнгил айнан ана шундай вазифани бажаради. Негаки, адабиётдаги бор ижод намуналари, адабиёт оламига қуёш бўлиб кириб келувчи сатрлар, асарлар кўнгилдан чиқади. Шунинг учун ҳам инсоннинг бу мўъжизакор ҳукмдорини адабиёт офтобига қиёслашади. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул “Ҳуррият” газетасига берган интервьюсида ана шу фикрни алоҳида таъкидлайди: *“Кўнгил зиёрати – ҳақ қароргоҳи, ишқ ва ирфон Каъбасини зиёрат қилмоқ демак. Шарқ адабиётининг офтоби кўнгил десак, хато бўлмас”*²³.

“Якшанба кун, пешинда, боришим зарур бўлган маросим – ошдан қайтаётганимда кўнглим муздеккина пиво тусаётганини сездим”. Бу ерда метонимия асосида маъно кўчиши кузатилади. Чунки тўйхона “ош” дея номланган, жумланинг тўлиқ шакли, аслида, мана шундай бўлиши керак эди: *“Якшанба кун, пешинда, боришим зарур бўлган маросим – тўйхонадан қайтаётганимда...”* Юқорида эса бу жумланинг сўзлашув услубига сингиб кетган шакли қўлланилган ва бу шаклда ўзаро алоқадорлик ҳам бор, яъни тўйхона ва ош ўртасида.

“Эшитган қулоққа уят, ука! Ўрганмаганман”.²⁴ Бу жумла ҳам сўзлашувда кўпроқ ишлатилади. Синекдоха йўли билан маъно кўчиши кузатилган ушбу жумлада бўлак орқали бутун, яъни инсон тана аъзоси “қулоқ” орқали инсон ифодаланган.

“Халқимизнинг қўли очиқлиги, меҳмоннавозу кўзи тўқлиги ҳақида гап кетса, “ҳа, энди насли тоза халқ-да” деган иборанинг ишлатилиши, балки, шундандир”.

Ушбу гапда “насли тоза” жумласидаги “тоза” сўзи кўчма маънода қўлланилган бўлиб, халқимизнинг наслида юрт шаънига доғ туширувчи кимсалар йўқлиги, насл ҳар қандай салбий иллатлардан холилигини англатади. “Тоза” сўзи асл маъноси ҳам кир-ғубордан хоилик, гард

²³Тождидинова С. Адабиётнинг офтоби – кўнгил// Ҳуррият, 26.03.2014, 14-сон.

²⁴Жумаев Ж. 5+1//Ҳуррият, 02.04.201 3,15-сон.

йукмаганликни билдиради. Шунинг учун ҳам бу сўзнинг кўчма маъносидан наслни сифатлашда фойдаланилган. Ушбу маъно кўчишининг афзал жихати шуки, гапдан кўзланган мақсад ўқувчи кўз ўнгида яққолроқ намоён бўлади.

“Жаҳон айвонида юртимиз байрогининг баланд кўтарилишидан ғурурланамиз”²⁵.

Бу жумлада турли хил маъно кўчишлари мавжуд. Хусусан, айвоннинг шакли кенг бўлади. Жаҳон айвони сифатида эса айнан кенг дунё, ер юзи тасвирланади. Айнан ана шу ташқи ўхшашлик жихатидан бу гапда метафора асосида маъно кўчиши юз берган дейиш мумкин. Шунингдек, ушбу гапда бутун дунё, кенг ер юзи биргина “айвон” билан ифодаланган, яъни бўлак орқали бутун ифодаланган. Бу маъно кўчишининг “синекдоха” турига киради. Ушбу маъно кўчишини қўллашдан мақсад матнда бадий бўёқдорликни оширишдир.

“Гул байрамида (гул бор жойда булбул ҳам бўлади, дегандек) куш ишқибозлари тўти ва канарейка, жўр, саъва, каклик ва беданаларнинг ажабтовур “ҳофиз”ларини сайратишади”. Мазкур жумлада қўштирноққа олинган “ҳофиз” сўзи кўчма маънода қўлланилган. Яъни бу ерда алоқадорлик, метонимия асосида маъно кўчиши юзага келган. Чунки ҳофиз кўшиқ айтади, хониш қилади. Матнда ҳофизга менгзалган тўти ва канарейка, жўр, саъва, каклик ва беданалар ҳам ёқимли овозда сайрашади, яъни хониш қилишади. Айнан шу алоқадорлик уларнинг ҳофизга ўхшатишдан. Бу каби ўхшатишлар баъзан кутилгандек натижа бермаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли журналист маъно кўчишидан фойдаланаётганда бу борадаги етарли билимга эга бўлиши талаб этилади.

“Йил бошида маънавият ва маърифат ойлиги, хайрия ҳашари ташкил этилди”²⁶.

Бу мисолда эса ташқи ўхшашлик асосида маъно кўчган. Чунки “бош” одам тана аъзоси ҳисобланиб, тананинг тепасида жойлашган. Яъни инсон танаси

²⁵Рўзиева З. Биз — Темур авлодларимиз// Хуррият, 02.04.2014, 15 сон.

²⁶Муслимов Ж.,Қобулов Б. Меҳнатдан иззат топаётганлар // Хуррият, 09.04.2014 , 16-сон.

бошдан бошланади деса ҳам бўлади. Шу маънодан келиб чиқиб, йилнинг дастлабки онларини ифодалаш учун “йил боши” жумласи қўлланилган, яъни “бош” сўзининг кўчма маъносидан фойдаланилган.

“Аммо давлатимиз томонидан яратилган бу қулайликлардан нафси ўпқон кимсалар ўз манфаати йўлида фойдаланаётгани кишини ташвишга солади”. Бу мисолда ҳам ташқи ўхшашлик асосида маъно кўчишини кўриш мумкин. Чунки ҳеч қачон еб тўймайдиган, жигилдони ҳар нарсани ютиб юбораверадиганнинг нафси “ўпқон” дея таърифланади. Ўпқони деб, аслида, қанча нарса ташласангиз ҳам ютиб юбораверадиган, тўлиши қийин чуқурликка айтилади. Қолаверса, ўпқон катталашиб, емирилиб бораверади. Нафси ёмон кимсалар ҳам егани сари баттар баднафс бўлиб бораверади. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда муаллиф баднафсликнинг ажойиб ўхшатишини топган, яъни бунда “ўпқон”нинг кўчма маъносидан фойдаланган.

“Хусусан, чипталар олди-сотдиси, кутиши йўлакларидаги ноқулайликлар, вагон назоратчисининг “қўл ҳақи” эвазига хизмат кўрсатишга уриниши, пистачи хотинлар, баклашка кўтариб йўловчиларга сув сотаётган олғирлар...”²⁷.

Муаллиф ушбу мисолда вагон назоратчисининг олишга ҳаққи бўлмаган пулларни пора сифатида қўл ҳақи деб баҳона қилиб олаётганини таърифлаш учун айнан “қўл ҳақи” бирикмасини қўллаган. Фақат қўштирноқ ичида, яъни киноя билан. Бундай маъно кўчиши талаффузда таъсирчанликни оширади.

“Чиптахона, маълумотлар бюроси ходимасининг “пурмаъно” сўзи шу бўлгач...”²⁸.

Бу жумлада ҳам киноя асосида маъно кўчиши кузатилади. Негаки, муаллиф, аслида, маълумотлар бюроси ходимасининг сўзи мантиқсиз, маъно-мазмундан бутунлай йироқ эканлигини билдирган. Бу ниятини ифодалаш

²⁷Қобулов Б., Ҳасан С. Чиптафурушлар // Ҳуррият, 09.04.2014, 16-сон.

²⁸Ўша манба

учун эса “пурмаъно” сўзи акс маъно берадиган шаклга келтирган. Бу ҳам жумланинг таъсир кучини бир қадар оширади.

“Хуррият” газетаси услубий жиҳатдан ўзида расмий услубга яқинликни намоён этса—да, ундаги материалларда сўзларнинг маъно кўчишларидан ўринли фойдаланила олинган. Бу эса ўқувчига тақдим этилаётган маълумотни янада яққолроқ тасаввур этиш имконини яратиб берган. Шу ўринда айтиш керакки, газетада айниқса киноядан кўп фойдаланилган. Бу орқали айтилаётган танқидий фикрни кучлироқ етказиш имкони юзага келган.

“Хуррият” газетасида сўзларнинг кўчма маъноларидан фойдаланилганлиги газетадаги мақолаларнинг қуруқ бўлиб қолишини олдини олган ва унинг савиясини ҳам кўтаришга ёрдам берган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, сўзларнинг кўчма маъноларидан фойдаланиш газетани ўқувчига яна бир қарра яқинлаштириб бериш имконини яратади. Бу эса ўз— ўзидан матбуотда сўзларнинг кўчма маъноларидан фойдаланишга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатиб беради.

2.3 “ДИЙДОР АЗИЗ” ГАЗЕТАСИДА СЎЗЛАРНИНГ КЎЧМА МАЪНОЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Маданий-маърифий, ижтимоий оммабоп газета ҳисобланмиш “Дийдор азиз”да ҳам сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши учраб туради. Қуйида ана шундай мисолларга батафсил тўхталиб ўтамиз.

“Бироқ уларнинг кўпчилигига ҳатто фан тилида ҳам изоҳ йўқ”²⁹.

Бу ерда “тил” сўзи кўчма маънода ишлатилган. Инсон нутқ аъзоси бўлмиш тилнинг вазифаси инсоннинг фикрини изоҳлаб бериш. Фан тили ҳам худди шу вазифани амалга оширади. Ана шунинг учун ҳам юқоридаги мисолда вазифадошлик асосида маъно кўчиши юз берган, деб хулоса қилиш мумкин. Аслида, “тил” сўзи аксарият ҳолларда фан билан бирга қўлланилади. Шу боис, бундай мисол фақат “Дийдор азиз”да эмас, бошқа газеталарда ҳам учраб туради.

“Айни оғир дамларда сарой ичида бўлаётган бу гаплар ўзи шундоғам оғир вазиятни янада чигаллаштиради”³⁰.

“Вазият” мавҳум тушунча. У моддиятга кирмайди. “Оғир” сўзи эса нарсасиз-бўйимнинг ҳажмини англатади. Демак у асл маъносида фақат моддий нарсаларни сифатлаб келади. Бу мисолда эса “оғир” сўзи вазиятни сифатлаб, кўчма маънода қўлланилган. Вазиятнинг қийинлиги, чигаллигини ифодалаб келган.

“Биз эса ерда қандайдир бир сабаблар, йўллар, тақдир тақозоси билан турмуш қурамыз, яшаймиз, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотамиз”³¹.

“Аччиқ” ёки “чучук” тушунчалари инсонда салбий ва ижобий таассурот уйғотадиган таъмларни англатади. Худди шундай инсонда салбий таассурот уйғотадиган, уни қийин аҳволга солиб қўядиган, жонига озор берадиган лаҳзалар ҳаётнинг “аччиқ”и дея таърифланади, яъни бу ерда “аччиқ” сўзи кўчма маънода қўлланилади.

²⁹Гадоева Ф.Шу лаҳзани олдин ҳам яшаганман // Дийдор азиз, 12.12.2013, 50-сон.

³⁰Гадоева Ф. Уч марта ўлдирилган вазир // Дийдор азиз 12.12. 2013, 50-сон.

³¹Нозилова Ш. Сирли танишувлар // Дийдор азиз 12.12. 2013, 50-сон.

Сўзлар кўчма маънода қўлланганда киноя асосида маъно кўчиши ҳам кўп учраб туради. Бу маъно кўчишида бирор сўз ўз маъносидан тескари маънода қўлланилади ва имлода қўштирноқ билан ажратилади. Талаффузда эса киноя оҳангида айтилади.

“Зеро мустабид тузумга бўлган “садоқат”ни унутолмай, тиштирноғи билан мансаб курсисини ҳимоя қилаётган қария амалдорлар давлат қарилик пенсияси тайинлаб, “Шунча ишладинг, хизмат қилдинг...”³²

Юқоридаги бу жумлада муаллиф “садоқат” сўзини бежизга қўштирноққа олмаган. Бу ерда маъно кўчиши юз берган ва кинояли тарзда қўлланган. Ёки бошқа бир жумлани олайлик.

“Қолганлари ҳассага таяниб қолган, жуда қўпол таъриф бўлмасин-у, ҳатто давр ўзгаришларидан ҳам беҳабар қолган чоллардан иборат “иждодкор”лар”³³.

Чекка вилоятлардан биридаги матбуотнинг аянчли аҳволи ҳақида ёзган муаллиф, аслида, чолларни иждодкор дейишдан йироқ. Лекин шу маънони ифодалашда айнан “иждодкор” сўзидан фойдаланган.

“Кўринишидан қаттиққўл ва жиддий кўринган Муҳаммад Юсуф, аслида, ўта юмшоқ табиатли, кўнгли 3 ёшли гўдакнинг кўнглидек тоза ва бегубор эди”³⁴.

“Юмшоқ” сўзи “табиат”, яъни “характер”га нисбатан ишлатилганда кўчма маънода қўлланилади. Бу шундоқ ҳам равшан. Бу ерда фикрни узундан узоқ чўзиб ўтирмасдан, бир сўз билан ифодалаб матннинг ўқишли бўлишига эришилган.

“Дадам бизни жуда яхши кўрардилар. Худо хоҳласа, юзга кираман, дердилар”³⁵.

Аслида, “юз ёшга” шаклида бўлиши керак бўлган жумла “юзга” шаклида ишлатилган. Бу, бир томондан, марҳум шоир Муҳаммад Юсуфнинг

³² Адизова У. Қарилик гашти қачон сурилади? // Дийдор азиз, 24.04.2014, 17-сон.

³³ Ўша манба.

³⁴ Орипова С. Мен бир ғалатиман, мен алоҳида // Дийдор азиз, 24.04.2014, 17-сон.

³⁵ Ўша манба.

ўзига хос сўзлари, иккинчи томондан, жумланинг қисқа, лўнда бўлишига хизмат қиладиган маъно кўчиши шакли ҳисобланади.

“Фикримча, бепарда гап-сўзли, кўзида ҳаёси йўқ қизлар кўпаяётганига оилада эркак, отанинг ўрни тушиб бораётгани сабаб бўляпти...” Бу гапда қизларнинг гап-сўзи ҳаёсиз бўлиб бораётгани, маъно-мазмун тобора саёзлашиб кетаётгани *“бепарда”* сўзи орқали сифатланган. Бу сўз *“пардасиз”*, *“очиқ”* маъноларини англатади. Айнан ана шу маъноси *“гап-сўз”*нинг ҳаёсизлигини ифодалашга кўчган, яъни бу ерда *“бепарда”*нинг кўчма маъносидан фойдаланилган. Чунки асл маънода олиб қаралганда, гап-сўзда парда бўлмаслиги кундек равшан. Бу рамзий маънода қўлланилиши мумкин, холос. Шундан келиб чиққан ҳолда юқоридаги жумла сўзнинг кўчма маъносидан фойдаланилган дея хулоса чиқариш мумкин.

“Йўқ, қизиқяпмиз, фақат уларни едириш-ичириш, кийинтириш ва сеп йиғишу тезроқ узатишни ўйлаяпмиз”. Маъно кўчиши гапларни янада ихчамлаштириш, маъно юкини оширишга, такрорийликнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, метонимия асосида маъно кўчиши айнан шу мақсадга хизмат қилади. Юқоридаги жумлада эса *“турмушга бериш”* жумласи ўрнида *“узатиш”* сўзи қўлланилган. Боиси, узатиш ўз маъноси билан *“турмушга бериш”*нинг вазифасини бажара олади. Бу ерда маъно ўхшашлиги жиҳатидан қайта номлаш ҳолати кузатилади. Яъни *“узатиш”* сўзи кўчма маънода *“турмушга бериш”*нинг ўрнида қўлланилмоқда.

“Ҳозир шаҳар қизлари қолиб, қишлоқ қизларининг ҳам юз-кўзидан ҳаё кўтарилиб бўлган. Узоқ қишлоқларда ҳам гар(и)бона “маданият” авж олиб, қишлоқ қизлари калта юбка, тор шимларга ўтиб олишган”. Ушбу жумлада *“қишлоқ қизларининг калта юбка, тор шимларга ўтиб олишган”*и маданиятсизлик дея баҳоланган. Ана шу тушунчани ифодалаш учун эса *“маданиятсизлик”* эмас, *“маданият”* сўзидан фойдаланилган. Фақат киноя маъноси ифодалангани учун қўштирноққа олинган. Бу киноя асосида маъно кўчишига мисол бўла олади. Бу маъно кўчишида сўзнинг юки янада ортади.

Чунки маданиятсизликни айнан маданият билан ифодалаш маънони янада кучайтиради. Аслида, киноянинг ўзи ҳам таъсирчанликни ошириш, маънони кучайтириш учун қўлланилади.

“Мен бир воқеани аччиқ изтироб билан хотирлайман”. “Аччиқ” сифатловчиси салбий маънода қўлланилиши сир эмас. Айнан шунинг учун ҳам юқоридаги гапда бу сифатловчи “изтироб” билан ёнма-ён қўлланилган. Аслини олиб қараганда, изтироб инсоннинг кўнглини чўктиради, кайфиятига салбий таъсир қилади, қалбини емиради. Шунинг учун ҳам у “аччиқ” сўзи билан сифатланади. Ушбу маъно кўчиши гапнинг ифода таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади. *“Табиат қўйнида-чи?”*. “Қўйин”, аслида, инсонга хос сифатловчи ҳисобланади. У “бағир” сўзи билан синонимлик ҳосил қилади. Унинг шакли қандайлиги маълум. Табиатга нисбатан эса, аслида, ишлатилмайди. Лекин “қўйин” сўзи кўчма маънода табиат билан ёнма-ён қўлланилиши мумкин. Юқоридаги гапда айнан ана шундай маъно кўчиши кузатилган. Таъкидлаш керакки, бу гапда ташқи ўхшашлик, яъни метафора асосида маъно кўчган. Яъни гапда назарда тутилган табиатнинг қўйни инсоннинг қўйнига шаклан ўхшайди. Матнда бу каби маъно кўчишларидан фойдаланиш бадий бўёқдорликни оширишга хизмат қилади. Ёки яна шунга ўхшаган “санъат асари”: “Коляскани йиғишдан олдин унинг ичидаги болани чиқариб олинг...”

“Унинг “соддагина” уйида еттита ётоқхона, саккизта ювиниш хонаси ҳамда бир қанча болалар хоналари мавжуд бўлиб, улкан майдонни эгаллаган мазкур бир қаватли бинонинг деярли ҳар ерида Кристиану исмининг бош ҳарфлари CR ёзувлари учрайди”.

Еттита ётоқхона, саккизта ювиниш хонаси ҳамда бир қанча болалар хоналари мавжуд бўлган уй, албатта, анчагина ҳашаматли ҳисобланади. Бунини қарангки, юқоридаги жумлада муаллиф айнан шу уйни “соддагина” дея таърифлаган. Фақат шу сўзни қўштирноққа олган. Бу эса юқоридаги мисол каби тескари маънони акс эттирган. Ҳашаматли маъноси “соддагина” сўзи орқали ифодаланган. Бу маъно кўчиши жумлада ўзига хос услубни юзага

келтириб, такрорийлик, оддийликдан қочишга, англантилаётган маънони янада кучайтиришга хизмат қилган.

“Ҳар сафар гўшакдан ўртоғининг дағал, савлатли овози эшитиларди”. Овоз моддий тушунча эмас, шу боис унга нисбатан “савлатли” сўзини ўз маъносида қўллаб бўлмайди. Ана шу ҳолатда кўчма маънога мурожаат қилинади. Мазкур гапда ҳам ана шу ҳолат кўзга ташланади. Бу ерда овозга нисбатан “савлатли” сўзининг ишлатиши ўқувчи кўз ўнгида ўша овоз эгасининг тахминан қандай кўринишда эканлиги ҳақида қисман тасаввур уйғотади. Қолаверса, бу ерда ўша одамнинг жаҳл аралаш, ғазабнок оҳангда гапираётганини ифодалаш ҳам мақсад қилинган. Бу маъно “савлатли”дан ташқари “дағал” сўзи билан ҳам ифодаланган. Таъкидлаш керак, бу гапда “дағал” сўзининг ҳам кўчма маъноси акс этган.

“Фазлиддин даставвал бу гўзал товушдан эсанкираб қолди-ю, кўп ўтмай ўзини қўлга олиб, дўстини сўради”³⁶.

Бу гапда қизнинг овозини ижобий маънода сифатлаш учун “гўзал” сўзи қўлланилган. Чунки бу сифатловчи, асосан, инсонларга, қизлар ёки аёлларга нисбатан уларнинг ички ва ташқи дунёсини сифатлашда қўлланилади. Бу сўз ижобий маъно англатгани ва унинг кўчма маъноси “товуш”нинг ёқимлилигини англатиш учун етарли эканлиги боис юқоридаги гапда айнан шу сифатловчи сўздан фойдаланилган. Бу бирор нарсанинг белгиси бошқасига кўчгани билан изоҳланади ва метафора йўли билан маъно кўчишига киради.

“Аслида, олдингиздаги гижим ва кўримсиз ҳақиқатни керакли кўринишга келтириш учун қанча гайрат ва шижоат сарф этганлигингиз фақат ўзингизга аён”.

Бу гапда ҳақиқат гижим ва кўримсиз ҳолда тасвирланган. Бундан мақсад эса “гижим” ва “кўримсиз” сўзларининг кўчма маънолари орқали кўрсатиш мақсад этилган. Чунки маънавий ҳисобланган ҳақиқатни кўриб

³⁶ Фарруҳова Р. Сиздайини топмадим // Дийдор азиз, 28.11.2013, 48– сон.

бўлмайди. Аммо уни “қалб кўзи” билан кўриш мумкин. Лекин бунда ҳам кўзнинг кўчма маъносидан фойдаланилади. “Ғижим” сўзи эса маъносига кўра ҳақиқатнинг аянчли ҳолатини ифодалайди. Бу маъно кўчиши моддий бўлмаган нарсани моддийга айлантириб ифода қилишга хизмат қилади.

Таҳлиллар жараёни шуни кўрсатдики, “Дийдор азиз” газетасида сўзларнинг кўчма маъносидан унумли фойдаланилади. Ҳатто, бир гапнинг ўзида бир нечта кўчма маънодаги сўзлар кетма–кет келиши ҳам мумкин. Бироқ бу ерда аҳамиятли бўлган нарсас, сўзларнинг кўчма маъносидан шунчаки фойдаланиш эмас, балки ўрни билан услубий мақсадда фойдаланишдир. Чунки кўчма маънодаги сўзлардан ортиқча ва ўринсиз фойдаланиш матннинг савиясига путур етказди, мазмунининг ўзгариб кетишига ҳам олиб келиш мумкин.

Шунинг учун ҳам матбуотда фаолият олиб бораётган журналист айна мавзуда маълум бир билимга эга бўлиши лозим. Қай ўринда бир сўзнинг ижобий маъноси, қай ўринда эса худди ўша сўзнинг салбий маъноси юзага келишини билиши лозим. Бу ҳам қайсидир маънода журналистдан ўзига хос маъсулият ва маҳоратни талаб этади.

ХУЛОСА

Бугун биз тарихий бир даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз. Юртбошимиз 2002 йилда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табрик хатида шундай дейди: “Аммо, қўлга киритган марралар билан бир қаторда, қанча — қанча одамларимизнинг норозилигини уйғотаётган, йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлмайди.

Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат, деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди. Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама қарши бўлган фикрлар матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларидан ўзига ўрин топаяптими?”.

Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу фикрлар ОАВ ходимларининг ўз касбига янада масъулият билан ёндашуви ва жамиятга тийрак нигоҳ билан боқиш лозимлигини яна бир қарра тасдиқлаб туради. Президентимиз И. А. Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий мажлис палаталари қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимиз яхши тасаввур этабилишимиз таъкидланади.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олийжаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани — бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз³⁷.

Дарҳақиқат, бугун биз учун барча имкониятлар яратиб берилган. Бу имкониятлар эса, ўз навбатида матбуот учун ҳам қатор қулайликлар яратиб бериши шубҳасиз. Давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи оммавий ахборот воситалари эса бу имкониятлардан самарали фойдаланиши шарт. Матбуот функциялари орасида эса ўзаро маънавий мулоқот, маълумотлар айирбошлашни таъминлаш устувор ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг пайдо бўлишига ҳам айнан ана шу эҳтиёж сабаб бўлган.

Оммавий ахборот воситалари таркибини ташкил этувчи матбуот бевосита ўқувчи билан ёзма мулоқот олиб боради. Бу ҳақда фикримизнинг бошида ҳам тўхталиб ўтгандик. Ўз навбатида хулоса қисмимизда ҳам ана шу жиҳатга қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими — буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очиқ ва равшан қилиб етказиш, эл-юртни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўқувчи газетадан нафақат ахборот, балки маънавий озуқа ҳам олади. Бирор-бир газетада ёзилган фикр ўқувчи учун айти ҳақиқат, у матбуотдан қандай фикрлаш ва керак бўлса қандай ёзиш лозимлигини ўргатади. Шунинг

³⁷Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.—29-30-б.

учун ҳам ҳар бир матбуот нашри ўзи қамраб олган соҳа, ўз ихтисослиги бўйича хато қилишга ҳаққи йўқ.

Фаолиятини журналистика билан боғлашни ният қилганлар, албатта, матбуот нашрларида амалиёт ўташдан ўз фаолиятларини бошлашади. Амалиёт даврида эса газета ўзига хос дарслик вазифасини ўтайди. Фикрни ифодалашнинг таъсирчан ва қулай усуллари, гап тузиш услуби ва бошқа жиҳатлар ўқувчи ўрганиши керак бўлган муҳим омиллар сирасига киради.

Қолаверса, матбуотнинг аудиторияси кенг. Бу матбуот нашрларида ҳар қайси соҳага оид материалларнинг бериб борилиши билан изоҳланади. Масалан, адабий асарларнинг ўқувчилари истаганча топилади. Айниқса, жаҳон адабиёти намуналарининг таржима вариантлари анча ўқишли бўлади. Айнан ана шу ерда сўзларнинг кўчма маъноларидан ўринли фойдаланиш қўл келади. Чунки бошқа тилдаги матнни ўзбекчага ўгирганда тўғридан-тўғри таржима қилмасдан, мазмун-моҳият сақланган ҳолда жумлаларга бадиий бўёқ берилса, муаллиф томонидан асар маъносига шикаст етказмаган ҳолда ўзгартирилса, ўқувчи, газетхон учун айти муддао бўлади. Бунда эса, албатта, сўзларни кўчма маънода қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Матбуотнинг ўқувчи билан бевосита мулоқот олиб борадиган тиллари кўп. Бу — ижтимоий соҳа, сиёсат, маънавият, умуман, ҳаётимизнинг ҳеч бир жабҳаси матбуот нигоҳидан четда қолмаган ва шундай бўлиши ҳам керак. Муҳими эса янгиликлар, маълумотлар ёки ижод намуналарини халққа тўғри, аниқроғи, ўқишли, эътиборни тортадиган қилиб етказиб берилса, кўзланган мақсадга эришилган бўлади. Бугунги кун ўқувчисига танлаш имкони кўп, қолаверса, дунёқараш тобора ўзгариб, онг, ақлий салоҳият кучайиб бормоқда. Таъкидлаш керак, замон ривожлангани сари ОАВ, хусусан, матбуотга бўлган эҳтиёж ортса ортяптики, асло камайгани йўқ. Ана шу ҳақиқатни ҳалқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Шу ўринда яна бир ўринли мулоҳаза. Сўзларни кўчма маънода қўллаш билан бирга уларни тўғри қўллай олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки биргина ноўрин қўлланилган сўз бутун бир жумла ва ҳатто матннинг маъносини ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас. Бу эса, албатта, асар ёки материалнинг маъно, таъсир кучини сусайтиради, бу эса ўқувчи учун катта бир маънавий зарардир.

“Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2010- йил 12-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган маърузасининг учинчи қисмида “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида” ва “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги каби Қонунларнинг қабул қилинишининг таклиф сифатида киритилиши, мамлакатимизда соҳанинг ривожини учун қаратилаётган эътиборнинг мислсиз даражада эканлигининг ортқча исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатидир. Бу кенг эътибор эса бошқа ОАВлар қаторида матбуотнинг ҳам ўз олдида турган вазифаларини адо этишда асосий омил бўлиб хизмат қилади”³⁸.

Матбуот ҳамон матний мулоқот воситаси экан, сўз қадри юксак туради. Шунга кўра матбуотнинг ҳам аҳамияти ҳеч қачон пасаймайди.

Таклиф ва мулоҳазалар:

- Сўзларнинг кўчма маънолари ҳақидаги тушунчалар қанчалик илмий бўлишига қарамасдан, унинг оммавий яқинлигини ҳисобга олган ҳолда, барча нашрларда унумли қўллаш лозим.
- Кўчма маъноли сўзларнинг таъсирчанликни оширишга хизмат қилади. Шу боис ОАВлар матнида муносиб ўринга эгадир. Шунинг учун ҳам улардан кенг фойдаланиш ва бу орқали омма эътиборини торта олиш керак.

³⁸ www.gov.uz

- Ихтисослашган матбуотда ҳам ўқувчига етказилаётган маълумот таъсирчан бўлишида баъзи бир илмий термин ва атамаларни изоҳлашда айнан сўзларнинг кўчма маънолари орқали ифодалаш фойдадан холи эмас.
- Бадий публицистикадагина эмас, балки ахборий ва таҳлилий публицистикада ҳам кўчма маъноли сўзларнинг ўз ўрни ва аҳамияти мавжуд. Демак, унинг унумли қўлланилишига эътибор қилиш.
- Матн таҳрири билан шуғулланадиган ҳар бир ходим тил илми, хусусан, сўз қўллаш санъатидан яхши хабардор бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва фармонлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. –40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007, 3–сон, 20–модда.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 2.1. Каримов И. А. Юсак маънавият-енгилмас куч.—Т.: Маънавият, 2008.— 176 б.
- 2.2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. - Т.: Ўзбекистон, 1999.— 393 б.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: Ўзбекистон, 2005.— 447 б.
- 2.4. Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. – Т.: Ўзбекистон, 2014. –38–б.
- 2.5. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.— 53–б.

III. Мавзуга оид адабиётлар

- 3.1. Абдурахманов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси.— Т.: Ўқитувчи, 2002.—48 б.
- 3.2. Абдусайдов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. – Самарқанд, 2004.— 120 б.
- 3.3. Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. – Т.: ТДПУ, 2001, 95 б.

- 3.4. Дўстқораев Б. А. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. -Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2009.—367 б.
- 3.5. Неъматов К. Расулов Р. Ўзбек тили лексикаси -Т.: Ўқитувчи, 1995.— 114 б.
- 3.6. Тоҳиров З.Т. Адабий таҳрир. –Т.: Тафаккур бўстони, 2012.—320 б
- 3.7. Тоҳиров З.Т. Бадиий ижодда тасвир. –Т.:Университет, 2011.— 32 б.
- 3.8. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоетикаси. – Т.: Фан, 2008.—73 б.
- 3.9. Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуги. – Т.: Университет, 2006.— 248 б.
4. Хуршид Дўстмуҳаммад. Ахборот – мўжиза, жозоба, фалсафа. –Т.: Янги аср авлоди, 2013.—312 б.

IV. Даврий нашрлар

- 4.1. “Китоб дунёси” газетаси, 2013-2014.
- 4.2.“Хуррият” газетаси, 2013-2014.
- 4.3.“Дийдор азиз” газетаси, 2013-2014.

V. Интернет– манбалар:

- 5.1.www.lex.uz
- 5.2www.wikipedia.com
- 5.3www.referat.uz
- 5.4. www.gov.uz

